O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 7 август, жума № 32 (2315). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 7 августа, 2009 год, № 32 (2315). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗ ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ, КЕНГ МИҚЁСДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МУҚАДДАС ЗАМИНИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ БЎЛИБ КЕЛМОҚДА ВА БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

Ислом КАРИМОВ

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ


Аввал хабар берилганидек, Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг (ОДКБ) норасмий саммити бўлиб ўтди.

Саммит ишида Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари иштирок этдилар. Музокаралар чоғида кўплаб долзарб масалалар, жумладан, ОДКБга аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлаш, ташкилотни такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди, шунингдек, халқаро терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва бошқа замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув иштирокчиларининг фикрича, ўзаро мувофиқлаштирилган ахборот сиёсати юритиш борасида келишувга эришилгани муҳим аҳамият касб этади. Ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича технологиялар маркази тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарлари музокаралар самарали бўлганини таъкидладилар.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Республикаси раҳбари Қурманбек Бакиев билан учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар икки ва кўп томонлама муносабатларнинг истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Қалъамиз, қалқонмиз Ватан пойида!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қурилишнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тонфасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинди;

2009-2010 йилларда 260,5 млрд.сўм, шу жумладан, 2009 йилда – 65,5 млрд. сўм миқдорида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида якка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қурилиш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 5 август куни Грузия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Георгий Кублашвили ва Руперт Жой ишонч ёрлиқлари топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганлари билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу икки давлат билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон – Грузия муносабатлари 1995 йилда имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик ва дўстлик тамойилларига асосланади.

Иқтисодий соҳада савдо-сотиқ ва транспорт коммуникациялари йўналишидаги алоқалар алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия савдо-сотиқ борасида анъанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарларни айирбош қилиш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Хусусан, Грузия томони Ўзбекистондан фақат пахта ё транзит юк эмас, бугдой ҳам импорт қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Г. Кублашвили Ўзбекистон билан Грузия ўртасида анъанавий дўстона муносабатлар қарор топганини, ҳамкорлик кўламини имкон қадар мавжуд имкониятлар даражасига етказишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар кўлами кенг бўлиб, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, Буюк Британия Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолайди ва мамлакатимиз билан сиёсий ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидандир. Ўзбекистонда Буюк Британия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 195 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу мамлакатнинг 55 та фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Тошкентда очилган Халқаро Вестминстер университети олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин натижасидир. Икки мамлакатнинг қатор олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланган. Академик доиралар илм-фаннинг турли соҳаларида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

– Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда, – деди элчи Р. Жой. – Биз савдо-иқтисодий алоқаларни, бизнес вакилларининг бевосита мулоқотларини ривожлантириш, таълим соҳасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш йўналишларидаги ишларни фаоллаштиришни кўзда тутмоқдамиз.

(ЎзА).



3 КВАЛИФИКАЦИЯ

ОТТАЧИВАЮТ ОГНЕВОЕ МАСТЕРСТВО



9 ОГОҲЛИК

ҲУШЁРЛИК – ИШОНЧЛИ ҚУРОЛ



12 МАҲОРАТ

ЖИПСЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК – ИЛҒОРЛИККА ЕТАКЛАЙДИ



15 ЭЪТИРОФ

ДУНЁ АЛ-ХОРАЗМИЙ АВЛОДЛАРИНИ ТАН ОЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини шартнома асосида бажариш, жумладан, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатиш;

аҳоли буюртманомаларига мувофиқ уй-жойлар, шунингдек, намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш буюртмаларини объектларни сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида жойлаштириш;

кейинчалик «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисобкитоб қилинган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уйларни аҳолига бериш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни эксплуатация ташкилотларига топшириш.

3. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябргача минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида 1 ноябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва «Даваархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинади ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига топширилади;

аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳани танлаган якка тартибда иморат қурувчи "тайёр ҳолда топшириш" шарти билан турар-жой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан шартнома тузади;

якка тартибда иморат қурувчи билан тузилган шартнома асосида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида "тайёр ҳолда топшириш" шарти билан намунавий лойиҳа бўйича якка тартибдаги турар-жой биноси қурилиши юзасидан барча ишлар комплексини ташкил этади;

қурилиш якунлангандан кейин ва якка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича турар-жой биноси қабул қилингандан сўнг якка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Б. А. Хўжаев) «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Даваархитектқурилиш» қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибдаги уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ:

Ўзбекистон Республикаси «Даваархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда «Қишлоқ қурилиш инвест» компаниясининг зарур моддий-техника базаси яратилишини назарда тутган ҳолда унинг устав капиталини шакллантирсин, шунингдек, компаниянинг малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, банк устав жамғармаси маблағларини гаров тариқасида қайтариш асосида ажратиб берилишини назарда тутган ҳолда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясини ушбу жамғарма маблағи ҳисобидан айланма маблағлар билан таъминласин.

5. Белгилансинки:

якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилади;

ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ва унинг минтақавий филиалларига зарур инфратузилмани ташкил этиш учун шартнома асосида ер участкаларини ажратиш тарзида ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси «Даваархитектқурилиш» қўмитаси ва "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуришга тасдиқланган бош режа асосида ҳар йили қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер участкалари ажратилишини таъминласин;

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ кредитлари ҳисобидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Даваархитектқурилиш» қўмитаси:

танланадиган ер массивларининг муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, ишга тушириладиган уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларга бўлган амалдаги талабнинг мавжудлиги комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

якка тартибдаги уй-жой қурилишида қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонининг 4-банди қишлоқ жойларда "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ кредитлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда иморат қурувчиларга нисбатан татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига ажратилаётган маблағлардан, шу жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБнинг имтиёзли кредитларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли равишда текширувлар олиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси «Даваархитектқурилиш» қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. Каримов

Тошкент шаҳри,
2009 йил 3 август

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

МАРДЛИГУ МАТОНАТНИ ДИЛГА ЖО АЙЛАБ



Истиқлолга эришилгач, Юртбошимиз раҳбарлигида нисбатан қисқа фурсатда ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлигини мустаҳкам сақлашга қодир, осойишталигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган ҳар қандай ташқи хуружларни бартараф эта оладиган қудратли армия барпо этилди. Олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, сафлар ўз касбининг усталари ва фидойилари бўлган моҳир посбонлар билан бутланди.

Бугун миллий армиямиз сафларида чинакам мард, Ватан ва халқ осойишталиги йўлида ҳамиша ҳушёр ва сергак туриб, камарбаста хизмат қилишни кўзлаган асл фидойи ўғлонлар фаолият кўрсатишмоқда. Лавҳамиз қаҳрамони шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Обидов ҳам ҳаётини шарафли соҳага бағишлаган Ватаннинг ана шундай шижоатли, ўктам норларидан.

Зиёли оилада таваллуд топган Отабекнинг шарафли соҳани танлашида албатта, отаси ўқитувчи Ғанижон ака ва волидаси Раҳимахон опаларнинг берган тарбиялари муҳим ўрин тутади. Чунки улар фарзандларига доимо элу юртга муносиб, кўпчиликка фойдаси тегадиган инсон бўлиш зарурлиги ҳақида такрор-такрор уқтиришарди. Ҳа, оилада фидойилик ва мардлик туйғуларини ўзига сингдириб вояга етган фарзанд муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида келгуси фаолиятини айнан шарафли соҳада давом эттириш, шартнома асосида хизмат қилишни дилига тугди. Аъло хулқи ва намунали хизматлари билан командирларининг ҳам эътиборига тушган Отабекнинг ушбу қарорини қисм қўмондонлиги қўллаб-қувватлади. Шу тариқа у қадрдон ҳарбий қисмида шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттирди.

Посбоннинг тинмай ўқиб-изланиб, билим ва маҳоратини бойитиб боришида сержантлар тайёрлаш мактабида олган таҳсили муҳим ўрин тутди. Мазкур билим даргоҳидан профессионал посбон, деган номга эга бўлиб қайтган Отабек машғулотларда мудом ўзини кўрсатиб, мақомига ҳар жиҳатдан муносиб эканлигини амалда кўрсата олди. Бу борада ўз касбининг усталари бўлган офицерлар – Расул Такаев, Шуҳрат Отақўзиев ва Маъруф Аҳмедов кабилардан олган сабоқлари қимматли эканини, улардан ўрганганлари ҳар доим асқотаётганини Отабек алоҳида таъкидлайди. Ўз навбатида посбон бўлинмада соғлом муҳитни таъминлаш, ҳарбий соҳа сир-асрорларини ёш аскарларга ўргатиб боришга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан сержантларнинг аскар ва офицер ўртасидаги мустаҳкам кўприк эканлигини амалда кўрсатиб келмоқда.

– Кичик сержант Отабек Обидов хизматда илғор, ўз бурчига талабчанлик ва масъулият билан ёндашадиган тиришқоқ посбонларимиздан, – дейди у ҳақда командири офицер Маъруф Аҳмедов. – Шу билан бирга сафдошларига доимо кўмакка шай туриши, жамоа муваффақияти учун бор куч ва имкониятини сафарбар этиши, қолаверса, ҳаётда ҳам ишончли дўст сифатида ҳурмат-эътибор топгани таҳсинга сазовор жиҳат, деб ўйлайман. Ўқув машғулотларида кичик сержант Обидов ва қўл остидаги посбонлар ҳар доим юксак натижа кўрсатишади. Бу унинг зиммасидаги масъулиятли вазифани яхши билишини, Ватан ва халқ хизматини адо этишнинг моҳиятини теран англашини, профессионал посбон, юксак салоҳият соҳиби эканини англатади.

Дарҳақиқат, мазкур соҳани бурч ва шараф деб билган ҳамда келажагини, орзулари рўёбини айнан шу йўлда топишига ишонган ўғлоннинг ғайрат-шижоати бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да. Зеро, ҳарбийликни танлаганига ўн йилча вақт бўлган шунқорнинг интилувчанлиги ва тиришқоқлиги шу давр мобайнида зарур билимларни анча пухта эгаллаганидан далолат.

Отабек 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Бу унинг машаққатли ва масъулиятли хизматларига берилган Ватаннинг улкан мукофоти, ишонч ва эътибор ифодаси, янги муваффақиятлар сари ундовчи кучдир. Қаҳрамонимиз бундай эътибордан бахтиёр эканини айтаркан, бундан буён ҳам юксак ишончга муносиб бўлиб қолишини билдирди.

– Ҳарбий синовларда тобланади, машқларда, тайёргарликларда шаклланади. Ушбу сабоқлар уни чинакам профессионаллик сари етаклайди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Мен бу борада таълим-тарбия берган, ҳарб илми сабоқларини эгаллашимда кўмакларини аямаган устозларимдан, командирларимдан, тажрибали сафдош дўстларимдан доимо миннатдорман. Нимагаки эришган, ниманики ўрганган бўлсам, бунда уларнинг ҳиссаси беқиёс. Ватан мени шундай эъзозлаган экан, мен бунга муносиб хизматларим билан жавоб қайтараман. Истиқлолнинг ўн саккиз йиллик тўйига жанговар шайлигимни янада ошириб, қўл остимдаги аскарларни ютуқларга руҳлантириб, умумжамоа муваффақиятини таъминлай олсам, бурчимни, юксак ишончни оқлаган бўлардим.

Капитан Шаҳриёр ҲАКИМОВ.
Б. АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

КВАЛИФИКАЦИЯ

Боевые стрельбы групп

ОТТАЧИВАЮТ ОГНЕВОЕ МАСТЕРСТВО

Боевые стрельбы групп являются важным компонентом всего процесса обучения личного состава. Ведь на них подводится как бы промежуточный итог всей предварительной работы в классах и на тренажерах, на полевых выходах, подвергается проверке степень слаженности взаимодействия.

Мотострелковый взвод уже довел до автоматизма действия при подъеме по тревоге. Поэтому безо всяких заминок личный состав покинул расположение, точно в срок убыл из парка боевых машин в направлении полигона.

Выдвижение в район стрельб в ночное время не только надежно обеспечило скрытность перемещения колонны БМП, но и просто было удобно в плане комфортности езды внутри бронированной техники для воинов.

Поэтому первый день размещения на учебном тактическом поле проходил в четком ритме. В укрытиях были замаскированы БМП, а военнослужащие разместились в удобных условиях. И ранним утром следующего дня начались боевые стрельбы.

По сценарию условный противник должен быть встречен на рубеже обороны группы плотным огнем из всего вооружения. И группа лейтенанта Дильшода Алангова блестяще справилась с этой непростой задачей.

Буквально шквал огня из вооружения БМП обрушили в ходе стрельб наводчики-операторы младшие сержанты Улугбек Курбанов и Чори Юлдашев. Первые мишени, обозначающие цепь атакующего противника, падают одна за другой. Однако в этот момент боя условный противник подтянул свежие силы. И тогда настал черед пулеметчика рядового Улугбека Тошкенбаева, а рядом вел огонь из автомата рядовой Дильшод Аллаев. Для солдат срочной службы эти боевые стрельбы стали настоящим «боевым крещением», проверкой мужества и мастерства.

Некоторые цели были уничтожены огнем гранатомета. Гранатометчик младший сержант Толиб Мусаев и его помощник младший сержент Хусан Юлдашев действуют слаженно и четко. «Танк в окопе», «пулемет», другие цели были уничтожены практически с первого предъявления.

Наводчик-оператор БМП рядовой по контракту Шамсидбек Каримов срочную службу проходил в одном из элитных подразделений. Поэтому стрельба из вооружения боевой машины в его исполнении стала отличным примером для сослуживцев.

– Наше подразделение сейчас активно участвует в состязании на звание лучшей группы в части, – говорит в беседе с нами заместитель командира группы сержант Шеркул Муртазакулов. – В этом плане хорошие и отличные результаты личного состава, показанные в ходе боевых стрельб, станут отличной основой для успеха.


Однако и соперники не думают уступать в напряженной борьбе. Если группа лейтенанта Д. Алангова отлично отстреляла днем, то группа лейтенанта Бунеда Туланова тоже выполнила это упражнение на твердую «четверку». Так что только после ночных стрельб можно будет сделать вывод о том, кто на сегодня лидер во взводе.

Вот так, днем и ночью, непрерывно продолжается процесс боевой учебы воинов, оттачивается мастерство. В мотострелковом взводе твердо настроены: встретить новыми успехами в воинской службе предстоящую самую дорогую для каждого жителя нашей страны дату – восемнадцатую годовщину Независимости.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **автора.**










АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ

МАҲОРАТ, МАТОНАТ – ШАЙЛИККА АСОС

Қуролли Кучларимизда ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин олиб борилаётган шу кунларда юртимиз осойишталиги, фуқароларимиз тинч ҳаёти ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга масъул ҳарбийлар янги-янги билим ва кўникмаларни эгаллашиб, жанговар шайликни оширишга чоғланишган.



Ҳа, посбоннинг ҳар томонлама етукликка эришишида машғулотлар ҳамда бу йўлда машаққатларни сабот билан енгиб ўтиб, ўзига хос матонат кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки маҳоратга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракат посбонни чиниқтириб, тоблайди ва ўз навбатида бу доимий шайликка муҳим асос бўлади.

Лавҳамиз қаҳрамони шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Акмал Тиллаев ҳам ана шундай шижоатли ўғлонлардан. У айни пайтда радиостанция бошлиғи вазифасида хизмат қилаяпти. Ўғлондаги ўзига хос сифатларни санаб ўтаркан, масъул офицер Анвар Мустанов жамоа у билан доимо фахрланишини алоҳида таъкидлади.

– Кичик сержант Акмал Тиллаев интилувчанлиги, малака ва маҳоратини тинмай ошириб бориши, шунингдек, қўйилган вазифани тезкор ва сифатли адо этиши, жамоа муваффақиятини таъминлашга бор куч-имкониятини сафарбар қилиши билан барчага ибрат бўлиб келмоқда, – дейди у. – Кичик сержант зиммасидаги масъулиятли вазифани яхши билади. Алоқанинг соз ва сифатли таъминланиши муҳим эканлигини англаб, бурчига масъулият билан ёндашади. Айниқса, мазкур тармоқда ҳали янги ва тажрибасиз бўлган ёш посбонларга соҳа сирларини сидқидилдан ўргатиб, етакчилик қилиб келиши мақтовга сазовор. Бу борада унда билим ҳам, тажриба ҳам етарли. Чунки сержантлар тайёрлаш мактабида алоқа тайёргарлиги бўйича йўриқчи бўлиб хизмат қилган посбоннинг соҳа бўйича маҳорати юксак эканлигига хизматлари давомида амин бўлганмиз. Бундан ташқари, кўргазмали машғулотларда ҳам кўп бор ўзини кўрсатган.

Ҳарбий хизматда алоқанинг ўрни муҳимлиги барчага аён. Мисол учун, асосий кучлардан узоқда бўлган бўлинма тегишли вазифани адо этаяпти. Командир юқори қўмондонлик билан тезкор алоқа ўрнатишга буйруқ берди. Шунда алоқачи олдинги маррадаги вазиятни штабга билдириши, қўшимча кучларга эҳтиёж борйўқлигини етказиши, тегишли буйруқларни қабул қилиб олиши, қаерда қандай ҳаракатланиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмаларни командирига билдириши ва бошқа бир қатор вазифаларни тезда ҳал этиши лозимки, бунинг барчаси ундан ўта ҳушёр, вазифасига масъулият билан ёндашиш ҳамда аниқликни талаб этади. Зиммасидаги вазифанинг нақадар муҳимлигини чуқур ҳис этган посбон шунинг учун ҳам тинмай ўз устида ишлаши, билимини ошириб бориши зарур. Шу боис ҳам алоқа хизматини ҳарбий соҳанинг энг муҳим бўғинларидан санасак, хато қилмаймиз.

Бу борада қаҳрамонимиз қанчалар ғайрат-шижоатли эканлигини такрорлашга ҳожат йўқ. Зеро, у соҳага меҳр қўйган, мардлар касбини шараф деб билган ўктам ўғлон. У ҳарбий соҳага улкан иштиёқ ва қатъий мақсад билан кириб келди. Яъни ҳарб илми сирларини пухта эгаллаб, юрт осойишталигини асраш ишига ўз ҳиссасини қўшишдек эзгу мақсадни болалигиданоқ дилига жо этди. Бу истак муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида янада мустаҳкамланди. Аскарлик даври шунқорнинг шаклланишида ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Ҳарб илми сирларини пухта эгаллаб бориш баробарида соҳага ҳаваси ортган посбон қатъий мақсад билан шартнома асосидаги хизматга кирди. Ҳозирда кичик сержант Акмал Тиллаев нафақат мутахассислик, балки жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида ҳам доимо илғорлар сафида бўлиб келмоқда. Сафдошларидан керакли пайтда ўз ёрдамини ва қимматли маслаҳатини асло аямайди. Жамоада унга ишончли дўст, жасур ва тажрибали жангчи сифатида ҳурмат билан қарайдилар.

– Сафдошларим – энг яқин дўстларим ҳамда барча тайёргарликлар бўйича мусобақадошларим, – дейди кичик сержант. –. Шундай мард ва фидойи йигитлар билан бир сафда хизмат қилаётганимдан хурсандман. Ҳарбий соҳада алоқани доимо таъминлаб туриш ўзига хос аҳамиятга эга. Ўзига бириктирилган мослама ёки техниканинг тўғри ишлаётганини, созлигини назорат қилиш, билимларни ошириб бориш асосий талаблардан. Шунга амал қилиб, жанговар техника, қуролярог, замонавий алоқа воситаларига доир янгиликларни ўзлаштириб боряпман. Мақсадим, камтарона хизматим билан эътибор ва ишончни оқлашдир.

Кичик сержантнинг юксак натижаларга эришишида албатта, у хизмат қилаётган жамоанинг, соғлом муҳитнинг ҳам таъсири катта. Чунки шахсий таркиб ўртасида жуда ибратли муҳит шаклланган. Қисқаси, армиямиз суянчи ва таянчи бўлган бундайин сержантларимиз чинакам профессионал посбон сифатида ҳар соҳада илғорликка интилмоқдалар.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Майор А. КАМОЛОВ суратга олган.

БИЛИМ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ

Шарқий ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам янги ўқув машғулотлари бошланди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали митингда иштирок этган округ масъул офицери О. Занжиров бўлажак кичик командирларга муваффақиятлар тиларкан, шунқорларнинг шонли ҳарбий анъаналарни муносиб давом эттиришларига ишонч билдирди.

Курсантликка номзод ўғлонлар тегишли кўрик-танлов ва пухта синовлар асосида саралаб олиндилар. Машғулотлар бошлангунга қадар дастурга асосан бўлиб ўтган йиғинда курсантлик ҳаётидан дастлабки сабоқларни эгаллаган бўлажак гуруҳ командирлари айни пайтда барча тайёргарлик турлари бўйича ўқув машғулотларини қизғин тарзда олиб боришмоқда. Дарслар шинам ва қулай ўқув хоналарида, замонавий техника ва технология воситалари асосида барча зарурий кўргазмали қуроллар ҳамда компьютерлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда юксак малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилаяпти. Таълим дастурининг такомиллаштирилгани посбонлар малакасининг янада мукаммал бўлишида муҳим ўрин тутмоқда.

– Мактабимизда курсантлар тўққиз ой давомида тегишли мутахассислик бўйича таҳсил олишади, – дейди масъул офицер Фарҳод Тўрақулов. – Машғулотлар пухта тузилган дастур асосида ўтилгани учун ўзлаштириш қийин эмас, натижалар ҳам ижобий бўлишига ишонамиз. Курсантларнинг ғайрат-шижоатлари ҳавас қилса арзирли даражада. Ҳа, ҳозирданоқ улар ҳар тарафлама ўзларини кўрсатишга интилишаяпти. Жумладан, Мурод Бегматов, Асадулло Ҳамиев каби шунқорлар аллақачон бўлажак профессионал посбон, деган номга ҳар томонлама муносиб эканликларини намойиш қилиб улгурди.

– Ҳарбий соҳага қалб амри билан кириб келганман, – дейди курсант Мурод Бегматов. – Шарафли касб эгаси бўлиш эзгу мақсадим. Сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга қабул қилинганимдан бахтиёрман. Бу ерда соҳа бўйича билимларни пухта эгаллаб, профессионал ҳарбий бўлишга интиламан. Юртим осойишта бўлиши ва халқим хотиржам яшаши учун ўз хизматларим билан ҳисса қўшиш мен учун олий бахтдир.

Дарҳақиқат, ортда қолган ўқув йили якунларига кўра, мазкур билим даргоҳи Қуролли Кучларимиз сержантлар тайёрлаш мактаблари ўртасида фахрли биринчи ўринни қўлга киритган эди. Ўйлаймизки, улар бу гал ҳам илғорликни қўлдан бермайди.

Капитан Шаҳриёр КОМИЛОВ.

БЛИЗНЕЦЫ ПОДАЮТ ПРИМЕР

В школах подготовки сержантов военных округов с первого августа стартовал новый учебный период. В ШПС Центрального военного округа среди тех, кто начал путь к вершинам профессионального мастерства, есть братья-близнецы Хасан и Хусан Паяновы.

Эти парни проходили до прибытия в ШПС службу по контракту в Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище (СВВАКИУ). Причастность к важному делу подготовки будущих офицеров привела парней к мысли о том, что для полного соответствия высокому званию военных профессионалов им надо пройти обучение в ШПС.

– Братья Паяновы проходят обучение как артиллеристы, – сказал в телефонном разговоре офицер Анвар Хакимов. – Оба с первых дней показывают свое истинное стремление качественно освоить специальность, вот и в воинской дисциплине на сегодня они подают пример другим курсантам.

К слову, в данной Школе подготовки сержантов подобрался довольно высоко квалифицированный преподавательский коллектив. В частности, богатый опыт служебной практики и методическое мастерство отличают начальника цикла артиллерии майора Фарруха Кадырова, преподавателя цикла инженерной подготовки майора Мухитдина Зарипова. Здесь готовят сержантов не только по артиллерии и инженерным войскам, но и по целому ряду специальностей, как связисты, тыл. Причем кроме войск Министерства обороны здесь готовят сержантов и для Пограничных войск СНБ.

По отзывам представителей командования Школы, среди тех, кто с первых дней стремится заявить серьезно о своих лидерских притязаниях, можно назвать также курсантов Ильхома Жуманиязова и Парвоза Каххарова, обучающихся по профилю инженерных войск. Посланцы СЗВО и ТВО твердо намерены достойно представлять свои военные округа, хорошей и отличной учебой отметить предстоящий праздник – восемнадцатую годовщину Независимости нашей Родины.

Данная Школа подготовки сержантов имеет богатые традиции качественного обучения личного состава, уже признавалась лучшей среди ШПС военных округов. Здесь имеется солидная учебно-материальная база, созданы отменные условия для занятий физической культурой и спортом, культурного отдыха.

Конечно, с первых дней еще рано делать далеко идущие выводы, но этот победный настрой вселяет надежду на то, что традиции отличной учебы будут сохранены и приумножены. И братья Паяновы тоже в будущем еще не раз окажутся в поле зрения в связи с успехами в боевой учебе.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

ЯГОНА ВА АСОСИЙ ТАЛАБ

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам ўқишга қабул қилинган навбатдаги курсантлар билим ва кўникмаларини орттиришга киришдилар.

– Маълумки, бугунги кунда ҳарбий хизматчиларга, хусусан, сержантлар корпусига алоҳида эътибор берилиб, катта талаблар қўйилмоқда, – дейди тарбиячи офицер Маъруф Юнусов. – Қувонарлиси, мардлар касбини танлаётганлар ўзларига юклатилган юксак ишончни ва масъулиятни ҳис этган ҳолда касб сир-асрорларини ўзлаштиришга интилмоқдалар. Албатта, аслида профессионалларни тайёрлашда уларга сабоқ берувчи устоз офицерларнинг билим даражаси, ақлий салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мактабимизда бевосита ўқув жараёнига Николай Овчинников, Ихлос Юлдашев, Сайфулло Мажидов, Давлатгелди Какаев каби узоқ хизмат ва ҳаётий тажрибага, педагогик маҳоратга эга ўқитувчи офицерлар жалб қилинган.

– Ушбу ўқув масканида биз – курсантларнинг билим олишимиз, жисмонан янада чиниқиб, маънавиятимизни бойитишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилганидан жуда мамнунмиз, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскарлар Ҳасан ва Ҳусан Ғуломовлар. Шунингдек, машғулот ва яшаш шароитлари кўнгилдагидек ташкил этилган. Демак, бизга қўйилаётган ягона ва асосий талаб – берилаётган билимларни қунт билан ўзлаштириш ҳамда кейинчалик хизмат давомида уларни самарали қўллаш.

Қизғин тарзда бошланган илк машғулотларданоқ курсантларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги қувонарли ҳолдир. Ўйлаймизки, билим олишга бўлган бундай чанқоқлик уларни бутун ўқув даври, қолаверса, ҳарбий фаолиятлари мобайнида тарк этмайди.

Капитан Н. ХУДОЙНАЗАРОВ.

ЁШЛАР

ЮРАКЛАРДА ЁРУҒ УМИДЛАР

Ёшлик — умрнинг шижоатга, куч-қувватга тўла даври. Бу пайтда олинган билимни тошга ўйилган нақшга қиёс этишади. Бугунги кунда ёшларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, танлаган соҳалари бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун имкониятлар етарли. Ҳукуматимиз томонидан бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, ислоҳотлар самараси ўлароқ бугунги авлод замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон андозалари даражасидаги таълим масканларида билим олмоқдалар, касб ўрганмоқдалар. Энг қувонарлиси, эртамиз эгалари ана шундай эътибор ва ғамхўрликни оқлаш, билдирилган ишончга муносиб бўлишга интилишмоқда.

ҲАЁТ МАКТАБИНИНГ САБОҒИ

Девоновлар оиласи Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида истиқомат қилади. Хонадон соҳиби Рустам ака – бошланғич таълим ўқитувчиси. Тумандаги 1-умумтаълим мактабида ёш авлодга сабоқ бериб келаётган бу инсонни барча яхши танийди, ҳурмат қилади. Ўттиз йилдан ошиқроқ вақт давомида болаларга ҳарф танитиб, ёзишчизишни ўргатиб, саводини чиқариб келаётган инсонни туманда ким билмайди, дейсиз?! Унинг илк шогирдлари бугун жамиятнинг турли соҳаларида жавлон уриб, хизмат қилмоқда. Шу туфайли халқ устозни севади, қадрлайди.

– Рустам акани узоқ йиллардан буён яхши биламан, – дейди 1-ўрта мактаб илмий бўлим мудири Нурали Пардаев. – Тажрибали, моҳир педагог. Касбига бўлган муҳаббати, янгиликка интилиши, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши билан жамоада обрў қозонган. Болалар билан ишлаш, уларнинг саводини чиқариш – машаққатли иш. Бунинг учун ўқитувчи билимли, метин иродали, кези келганда, зукко руҳшунос, ажойиб донишманд ҳам бўлиши керак. Рустам акада ана шу хислатлар мужассам, деб ҳисоблайман. Туман аҳлининг кўпчилиги фарзандлари мактаб ёшига етганда уларни айнан шу инсоннинг қўлига топширишга интилиши ҳам шундан.

– Халқимиз азал-азалдан маърифатга, маънавиятга жиддий эътибор қаратиб келган, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Чунки халқнинг салоҳияти, нималарга қодирлиги айнан шу тушунчалар билан белгиланади. Шу боис ота-боболаримиз имкон қадар фарзандларининг илмли бўлишига, комил инсон бўлиб улғайишига катта аҳамият қаратиб келган. Ўтган давр ичида кўплаб болаларга сабоқ бердим, уларнинг саводини чиқардим. Бугун кўча-кўйда кўриб қолишса, қўлларини кўксига қўйиб салом беришади, тўйларда давранинг тўридан жой беришади. Бундан қувонаман, фахрланаман. Аслида мен учун энг катта давлат – шу. Дастлабки ўқувчиларим бугун ўз фарзандларини олиб келиб, «Устоз, эти сизники, суяги бизники. Бизга таълим-тарбия берганингиздек, боламга ҳам шундай сабоқ берсангиз, мамнун бўлардим», дея лутф қилганларидаги ҳолатимни тасаввур қилолмайсиз. Бободеҳқон минг бир машаққат билан экқан, суторган, юрак қўрини бахш этиб ўстирган экини ҳосил берганда, одамлар ундан баҳраманд бўлганда қандай ҳиссиётни бошдан кечирса, мен ҳам шундай ҳисни туяман.

Устоз мактабда бўлгани каби оилада ҳам ниҳоятда талабчан. Фарзандларининг ўқиши, фанларни ўзлаштириш, кўпчилик орасида ўзини тутишидан тортиб, бўш вақтларида нима билан шуғулланишларигача кўздан қочирмаган. Табиийки, бундай оилада улғайган, ота тарбиясини олган болалар эзгу фазилатлар эгалари бўлиб камол топишди.

Сирожиддин оилада кенжалардан бири эмасми, сал эркароқ эди. Мактабда ўқий бошлаганида ҳам бу одатидан қутула олмади. Дарс тайёрлашга бўйни ёр бермас, китоб ўқишни хушламас, математикага-ку унча ҳуши йўқ эди. Нуқул опалари, акалари ёрдамида вазифаларни бажаришга ўрганган ўғлон пайти келиб қаттиқ ўсал бўлишини билмасди. Бир куни денг, математика ўқитувчиси қўшимча назорат иши оладиган бўлди. Ўқувчиларни алоҳида-алоҳида ўтқазиб, уларга мисол ва масалаларни ечишни топширган устоз бир четда жараённи кузатиб турди. Қараса, ҳар сафар вазифаларни қойилмақом уддалаб келадиган Сирожиддиннинг шашти паст. Хатти-ҳаракатида, нигоҳларида қандайдир бесаранжомлик сезилади. Ўқитувчи бундан ҳайрон бўлса-да, охиригача кутишга қарор қилди. Ниҳоят, назорат учун ажратилган вақт поёнига етди. Ҳамма топшириқни бажариб бўлган, биргина Сирожиддинга тегишли қоғоз оқлигича қолганди. Устоз бунинг сабабини сўраганида тайинли жавоб ололмагач, шундай деди: "Ҳайф сенга, тағин ўқитувчининг ўғли эмиш-а. Эсиз, шундай одамнинг фарзанди ялқов, билимсиз бўлса..."

Шу икки жумла ўғлоннинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Англаб етдики, тузукроқ ўқимаса, илму ҳунар эгаси бўлмаса, энг биринчи таъна-дашном ўзига эмас, отасига тегади. Ноқобиллигидан ўзи эмас, кўпроқ отаси азият чекади.

Қисқа вақт ичида ўқишларини тартибга солиб, аълочилар сафидан муносиб ўрин эгаллаган ўғлон мактабни ҳам муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг муддатли ҳарбий хизматга – Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўташга йўл олди. Ҳаёт мактабида у умрининг энг сермазмун йилларини ўтказди. Устоз офицерлар, армиямиз таянчи ва суянчи бўлган сержантлардан ҳарб илмига оид билимларни пухта ўзлаштирди, жисмоний тайёргарлик машғулотларида тобланди, жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида фаол, илғор посбонлардан бири сифатида командирлар назарига тушди. Бу эса умумякунда ўғлоннинг энг сара посбонларгагина бериладиган тавсияномага сазовор бўлишида муҳим аҳамият касб этди.


Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлгач, у Тошкент давлат техника университетининг энергетика факультетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Яхши ўқигани, имтиёзга эга экани унга қўл келди. Синовлардан муваффақият билан ўтган ўғлон талаба деган номга муяссар бўлди. Айни дамда факультетда иссиқлик энергетикаси йўналиши бўйича техника фанлари номзоди, доцент Раҳим Бобохўжаев раҳбарлиги остида малакавий битирув ишини тайёрлаётган қаҳрамонимизни олий ўқув юртида фаол, илғор талабалардан бири сифатида танишади. Тенгдошлари у ҳақда фикр билдирганда, «оғир-вазмин, билимли, етти ўйлаб, бир кесадиган бамаъни йигит. Ҳаёт мактабининг сабоғини олгани учунми, кўп ҳолларда ҳиссиётга берилмай, ишга аниқ, оқилона ёндашуви билан ажралиб туради», дейишади. Ҳа, йигитлик мактабининг тарбиясини олган ўғлон ҳар жойда барчага ўрнак ва намуна бўлгай.

УШАЛГАН ОРЗУ

Сардор – оилада кенжа фарзанд. Опалари мактабда ўқиб юрган кезларда уларнинг китобларини варақлашни, кундаликларидаги баҳоларни томоша қилишни ёқтирарди. Айниқса, уларнинг "беш" олган кунларидаги қувонч, ҳаяжон ҳисси унга ҳам ўтар, катта бўлсам, албатта, аълочи ўқувчи бўламан, деб ният қиларди.







Оила бошлиғи Салим ака Ашуров узоқ йиллар Ангрен туман мудофаа ишлари бўлимида фаолият юритган. Болалигида отасига эргашиб, бу даргоҳга кўп борган ўғлон шарафли касб эгаларини кўрар, уларнинг бежирим либосларига ҳавас қилар эди. Айниқса, офицерлар уни эркалатиб, фуражкасини бошига кийдириб қўйишганда, қувончи ичига сиғмасди.

– Ўғлимнинг офицер бўлишини, эгнига ҳарбий либос кийишини орзу қилиб келганман, – дейди Салим ака. – Шарафли касб эгалари орасида ишлаганим учунми, улардаги мардлик хислатларини ўғлимда ҳам шакллантириш мақсадида уни болаликдан соҳага қизиқтиришга ҳаракат қилдим. Ўйинчоқларидан тортиб, китобларигача ҳарбийча бўларди. Шу боис Сардор ҳам мардлар касбига ҳавас билан вояга етди. Тўғри, онаси аввал-бошда, "ёлғиз ўғлимизни бағримдан қўйиб юбормайман. Ҳарбий бўлса, ойда-йилда бир кўришимга тўғри келади. Бунга сира тоқат қилолмайман", дея рўйхушлик бермади. Аммо тушунтиришларим кор қилиб, Ватан ҳимоячиси бўлиш нечоғли шарафли, фахрли эканини англаб етди, шекилли, оқ фотиҳа берди.

Йиллар бир-бирини қувлаганча ўтиб кетди. Ўғлоннинг кўнглида шарафли касб эгаси бўлиш истаги кундан-кунга зўраяр, ўзини бошқа соҳада ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Гарчи тақдир ўзи ўйлагандек бўлиб чиқмаган эса-да, у барибир маълум маънода орзусига эришди. Бу ҳақда сал кейинроқ...

Мактабда ўқишни тугаллаб, етуклик гувоҳномасини қўлга киритган ўғлон Тошкент давлат техника университетининг механика факультетига ўқишга кириб, талаба ёшлар сафидан жой олди.

Олий таълим даргоҳида муҳандислик сир-асрорларини қунт билан ўзлаштираётган ўғлоннинг орзулари бир талай. Келгусида танлаган соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб етишиш, эл-юртга садқидилдан шараф билан хизмат қилиш, ота-онасининг армонларини ушалтириш... Ўйлаймизки, қатъият, шижоат ва матонатни касб қилган йигит, албатта, ниятига етади.

ПАҲЛАВОН ЎҒЛОН

Тўлқин Боймуродов – Қашқадарёнинг Яккабоғидан. Сўлим табиатли Ғишатепа қишлоғида униб-ўсган бу йигит болалигидан спортга меҳр қўйди. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси ўзининг донгдор полвонлари, кураги ерга тегмаган паҳлавонлари билан машҳур. Баҳром Авазов, Махтумқули Маҳмудов, Эрали Маҳмарасулов, Абдулла Тангриев, Давлат Чориев каби миллий кураш, дзюдо бўйича нафақат мамлакатимизда, балки Осиё ва жаҳонда тенгсиз деб топилган, шонли ғалабалари билан юртдошларимиз қалбини фахру ғурурга тўлдирган эрлар – шу замин фарзандлари. Табиийки, эл ҳавас ва ҳурмат билан тилга оладиган бу азаматларга ўхшаш, уларнинг изидан бориш – лавҳамиз қаҳрамонининг энг катта орзуларидан бири.

Тўйларда кураш тушиб, мана-ман деган полвонлар билан бел олишиб улғайган Тўлқин, ёш бўлишига қарамай, умидли полвон сифатида ном чиқарди. Гарчи республика миқёсида катта-катта мусобақаларда қатнашмаган, шоҳсупага кўтарилмаган бўлса-да, барибир спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Бу эса унинг жисмонан баркамол инсон бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Тумандаги 60-умумтаълим мактабида ўн биринчи синфни тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олган йигит Тошкент давлат техника университетининг механика-машинасозлик факультетига ўқишга киришга қарор қилади. Интилувчан ўғлонга омад кулиб боқди, – у талабаликка мушарраф бўлди.

Бугунги кунда доцент Бекмурод Тўлаев раҳбарлиги остида илмий изланишлар олиб бораётган, малакавий битирув ишини тайёрлаётган йигитнинг соҳага қизиқиши, билимдонлигига тенгдошлари ҳавас қилади. Ўз устида ишлашдан, мунтазам изланишдан чарчамайдиган ўғлонни университетда илғор, сара талаба сифатида эътироф этишади.

– Илм ўрганиш машаққатли иш, – дейди механика-машинасозлик кафедраси катта ўқитувчиси Қаҳрамон Мирзаев. – Изланишдан чарчамайдиган, сабот ва тоқатни касб қилганларгагина бу борада омад кулиб боқади. Талабаларимиздан Тўлқин Боймуродовда шу хислатлар мавжуд, деб бемалол айта оламан. Энг муҳими, унда соҳага қизиқиш кучли. Ишонаманки, у юртимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган малакали мутахассис бўлиб етишади.

******

Сизга ҳикоя қилганимиз уч азамат бир олийгоҳда ўқиш билан бирга университет ҳарбий кафедрасида ҳам таҳсил олишади. Яқинда бир ойлик дала-ўқув машғулотларида иштирок этиб қайтган шунқорлар ҳарбий кафедрада устоз офицерлар Б. Ҳамроев, А. Ҳазратов, И. Арслонов, Қ. Азизов, Р. Раҳимовлардан ўрганган билимларини синовдан ўтказишга муваффақ бўлишди. Айтиш жоизки, юқори натижаларни қайд этган, соҳага оид билимларни пухта ўзлаштирган посбонлар сафида уч овлоннинг ҳам номлари зикр этилди.

Дала-ўқув машғулотларининг сўнгида посбонлар тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди, яъни халқига, юртига, Президентига содиқ бўлишга, Умумҳарбий низомларни ҳурмат қилишга, командирлар буйруғига сўзсиз бўйсунишга, сўнги нафасгача Ватан озодлигини ҳимоя қилишга онт ичишди.

Ҳа, юртимизда шижоатли, салоҳият ва матонатда ҳеч кимдан кам бўлмаган, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, юрт равнақи йўлида изланишдан чарчамайдиган шундай марду майдонлар бор экан, ҳурлигимиз абадий, тинчлигимиз бардавом бўлгай.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.
Муаллиф суратга олган.

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

НЕЗАВИСИМОСТЬ – ПУТЬ К СВОБОДНОМУ, ПОДЛИННО ДЕМОКРАТИЧЕСКОМУ ОБЩЕСТВУ

В Постановлении Президента Республики Узбекистан «О подготовке и проведении празднования 18-летия государственной независимости Республики Узбекистан» подчеркивается, что **независимость «позволила нашему народу быть хозяином своей судьбы, стала прочным гарантом реализации прав и свобод человека, построения ни в чем и никому не уступающего свободного и подлинно демократического общества, полного проявления каждым гражданином своих способностей и потенциала во всех сферах жизни».**

Ощущение свободы и независимости, как и осознание себя хозяином своей судьбы, ни с чем не сравнимо. Но она не приходит вдруг, с провозглашением независимости. Нужно время, чтобы все это понять, пропустить через сердце, разум и прийти к пониманию того, что отныне ты живешь в новом мире, в новом обществе и по-новому понимаешь себя. И тогда появляется чувство гордости за свой народ, свою Родину, свободным гражданином которой ты и являешься. Заметьте, не в день провозглашения независимости, а спустя три с лишним месяца Президент Ислам Каримов заявил: **«Сегодня каждый настоящий сын Отечества ощущает себя неотъемлемой частицей Родины и гордится этим. Мы абсолютно не ошибемся, если скажем, что это – первая великая ценность, подаренная нам независимостью».**

ИМЕННО НЕЗАВИСИМОСТЬ ДАЛА НАМ ЭТУ СВОБОДУ – СВОБОДНО МЫСЛИТЬ, СВОБОДНО РАЗВИВАТЬСЯ, СВОБОДНО БЛАГОУСТРАИВАТЬСЯ – И СВОИМ СОДЕРЖАНИЕМ ДАЛА ПОНЯТЬ И ГЛУБОКО ОСОЗНАТЬ, ЧТО С ОБРЕТЕНИЕМ НЕЗАВИСИМОСТИ И СУВЕРЕНИТЕТА НАЧАЛАСЬ НОВАЯ ЭПОХА.

Именно независимость дала нам чувство причастности к народу, Родине, к великим переменам в материальной и духовной сферах, сформировала в нас чувство уверенности в своих силах и чувство собственного достоинства, что оказало огромное влияние на реализацию наших реформ во всех сферах жизни общества.

Новая Конституция независимой республики провозгласила, что все граждане Узбекистана равноправны независимо от национальности, расы, пола, языка, религии, социального происхождения, личного и общественного положения. Все мы, от мала до велика, свободные граждане свободной страны. Именно независимость дала нам эту свободу – свободно мыслить, свободно развиваться, свободно благоустраиваться – и своим содержанием дала понять и глубоко осознать, что **с обретением независимости и суверенитета началась новая эпоха.** В центре ее – принципиально новое государство, новая политическая власть, новая социальная структура общества и новый человек с принципиально новым мышлением, новыми запросами, новыми потребностями и ориентацией на новые ценности. Другими словами – это эпоха раскрепощения личности, индивидуализации всех сторон ее бытия и одновременно – осознания все возрастающей тенденции к сплочению, согласию, взаимопониманию и толерантности. В стране сформировалась новая историческая общность людей – народ Узбекистана.

Не будет преувеличением сказать, что все люди, живущие на нашей благодатной земле, глубоко осознают и высоко ценят самое главное достояние нашей сегодняшней жизни, нашей независимости – мирную жизнь и стабильность, изо дня в день укрепляющуюся в обществе атмосферу взаимоуважения, гражданского, межнационального и межконфессионального согласия. Многомиллионная семья народов Узбекистана получила в мировом сообществе статус единой монолитной, тесно сплоченной вокруг Президента Ислама Каримова общности, верной его курсу реформ, «узбекской модели» развития, его пути обновления и прогресса. Эта верность доказана всем 18-летием развития нашей страны, ее выдающимися достижениями во всех сферах жизни общества.

И сегодня, в преддверии великого праздника независимости, в условиях, когда человечество переживает жестокие последствия мирового финансово-экономического кризиса, нельзя не заметить, что и в этих условиях мы как никогда сплочены и ощущаем себя единым и неделимым народом. И для всех нас полная и последовательная реализация Антикризисной программы, разработанной главой государства, является первостепенной задачей, в какой бы сфере общественной или производственной деятельности человек ни трудился.

Важнейшее благо независимости состоит в том, что **мы сегодня свободный народ.** Реальность нашей свободы гарантируется Конституцией Республики Узбекистан, всей системой управления государством и продуманной системой государственных и общественных институтов защиты прав и свобод человека, начиная от двухпалатного парламента и его омбудсмана, Национального центра по правам человека и до широко разветвленной сети общественных негосударственных и некоммерческих организаций во всех сферах жизни общества. Вместе с этим следует подчеркнуть, что наша свобода тесно связана с законом и законопослушанием. Вспомните, наш великий предок Сахибкиран Амир Темур неоднократно подчеркивал, что **свобода там, где властвует закон.** За годы независимости, на ее благодатной почве, в нашей стране создано надежное правовое поле для трудовой и общественной деятельности граждан, защиты их прав и свобод.

При этом ничьи права ничем не ограничиваются, все направлено на расцвет и совершенствование личности. Единственно, что требуется от гражданина – **быть законопослушным.** Это аксиома – **чтобы быть свободным в стране, надо быть законопослушным гражданином.**

Важнейшим достижением независимости является **демократизация общественной жизни, углубление демократических процессов в ходе реформ, практическая реализация общенационального принципа, провозглашенного главой нашего государства, – «От сильного государства – к сильному гражданскому обществу».** Руководствуясь установками Президента Ислама Каримова, мы постепенно, с учетом наших национальных особенностей и нашего менталитета, готовности страны и народа к тем или иным формам демократического развития, идем своим испытанным курсом к нашей конечной цели – построению правового, демократического государства, гражданского общества. Вот это как раз и не устраивает некоторых идеологов Запада, и они пытаются навязать нам свою «идеальную» форму демократии с тем, чтобы затем держать нас в сфере своего влияния, диктовать свою волю. Любому здравомыслящему человеку отчетливо видно, что это не что иное, как новая форма неоколониализма.

По этому поводу в свое время глава нашего государства четко и ясно заявил: **«Демократия в каждой стране имеет свое лицо, хотя при этом существуют общие законы демократии. Вместе с тем преломление некоторых демократических ценностей в государственной и общественной жизни происходит по-своему, с учетом менталитета, который складывался сотнями лет. Можно это не принимать, но понимать и уважать необходимо».**

У нас свой, сугубо узбекистанский образ жизни, не учитывать который просто невозможно. Возьмите ту же махаллю, где вы найдете на Западе такую уникальную форму демократии? Разве можно ее выбросить из правового поля, в котором она сотни лет играет ведущую роль? Не только в этом вопросе, но и по ряду других важнейших направлений мы, прямо скажем, опередили некоторые сверхдемократичные державы. У нас двухпалатный парламент, у нас отменена смертная казнь. Сегодня как никогда возросла в жизни общества и планеты роль экологической безопасности. У нас тут же законодательно последовали преференции экологическому движению. В этом году оно принимает активное участие в выборах и будет представлено в парламенте как важнейшая политическая сила наряду со всеми политическими партиями.

Нельзя не отметить и такое своеобразие в деятельности нашего парламента и политических партий. Депутаты парламента поддерживают постоянную, тесную связь со своими избирателями, с местными органами власти. Как парламентарии, так и политические партии сегодня ведут активную работу по реализации установок Антикризисной программы. Причем эта работа носит не формальный, а сугубо деловой, конструктивный характер. Цель этой работы – поиск наиболее активных форм, методов, источников реализации требований Антикризисной программы. И надо подчеркнуть: результаты этой совместной с народом работы налицо.

1-2 июля в Ташкенте состоялась международная конференция «Выборы и вопросы развития современного парламентаризма: опыт Узбекистана». Обратите внимание – опыт Узбекистана. Если бы не было опыта – не было бы и конференции. Так вот, на этой конференции руководитель представительства Национального демократического института США в Узбекистане Ричард Глауб заявил: «Свободные и справедливые выборы – основа демократии. Парламент, чьи члены избраны народом, играет центральную роль в практике демократии и применении законов. Создание двухпалатного парламента, принятие закона о повышении роли политических партий, растущая конкуренция их фракций – все это практические шаги к усилению двух самых демократических институтов в Узбекистане – политических партий и парламента. Открытые демократические выборы представляют возможности для реализации политического потенциала людей. Очень вдохновляет наблюдать за тем, как в Узбекистане происходят позитивные изменения, направленные на повышение результативности демократических процессов».

Надо сказать, что позитивные изменения происходят в нашей стране не только в высших органах власти, но и на местах, а еще, точнее, в развитии всей политической культуры общества и повышении политической активности граждан. И это как раз следствие того, что осуществляемые по инициативе главы государства масштабные реформы имеют системный, последовательный характер и охватывают, во-первых, все слои общества и все сферы его жизнедеятельности. Во-вторых, глубокие позитивные преобразования в ходе реформ в экономике, образовании и науке, здравоохранении, культуре и спорте оказывают влияние на рост уровня жизни наших людей и, как следствие этого, на повышение их политической и деловой активности. Наглядным примером такой активности может служить повсеместное участие наших граждан в реализации Антикризисной программы, разработанной Президентом Исламом Каримовым. В этом неординарном факте, как в зеркале, нашло свое отражение осознание каждым гражданином неоспоримого, нравственного приобретения – ощущать себя хозяином своей судьбы и осознанного стремления построить ни в чем и никому не уступающее свободное, подлинно демократическое общество, в котором будет полностью реализован духовно-нравственный потенциал каждой личности.

В ногу с требованием нашего времени, общества и государства идут и военнослужащие Вооруженных Сил к самому великому и самому дорогому празднику – Дню независимости. Сегодня деятельность командиров всех уровней направлена на дальнейшее совершенствование каждым воином профессионализма, боевой выучки, повышение интеллектуального уровня, формирование у офицеров, сержантов и солдат высоких духовных, морально-боевых, и психологических качеств, активной жизненной позиции и патриотизма, чувства ответственности за судьбу Родины, ее независимости и безопасности.

НАДО СКАЗАТЬ, ЧТО ПОЗИТИВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПРОИСХОДЯТ В НАШЕЙ СТРАНЕ НЕ ТОЛЬКО В ВЫСШИХ ОРГАНАХ ВЛАСТИ, НО И НА МЕСТАХ, А ЕЩЕ ТОЧНЕЕ В РАЗВИТИИ ВСЕЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕСТВА И ПОВЫШЕНИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ГРАЖДАН.

Все они, от солдата до генерала, хорошо понимают и осознают, что нынешнее время – время великих свершений. Сегодня нам любые задачи по плечу, потому что мы выбрали единственно верный путь, потому что все мы сплочены единством цели, потому что сегодня мы достигли более глубокого понимания стоящих перед нами проблем и потому что независимость восстановила историческую и политическую справедливость – вернула суверенитет и свободу великой нации. Осознав все это, мы смогли в кратчайшие исторические сроки не только занять достойное место в мировом сообществе, но и с меньшими последствиями встретить жесточайший мировой кризис, выстоять в нем, и своей неординарностью и самобытностью **дать достойный пример для подражания всем странам и народам.** Сейчас главное – не останавливаться. Впереди – громада дел и прежде всего дальнейшее наращивание усилий по реализации Антикризисной программы. Ее полное и качественное выполнение поднимет нас на новую высоту, на новый социально-экономический уровень, новое качество жизни и благосостояния.

Все это требует от каждого из нас работать не только на сегодняшний день, но и на перспективу. От каждого, в том числе и от военнослужащего, какой бы пост он ни занимал, памятуя, что обстановка в мире и регионе остается сложной и напряженной. Это обязывает нас усилить внимание прежде всего к вопросам бдительности и боевой готовности, дальнейшему реформированию нашей армии, ее оснащению современным оружием и техникой, повышению эффективности боевой и политической подготовки войск, в целом – усилению потенциала и боеспособности наших Вооруженных Сил. Другими словами – добиться полного и качественного выполнения задач и установок, изложенных Президентом страны, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами Исламом Каримовым в Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана.

Сегодня – это наш первейший долг и святая обязанность.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ИСЛОҲОТ

Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА



КЎНГИЛДАГИ ҒУРУР

Мустақиллик сўзининг синонимини биласизми? Дарҳол фикрингизга Эрк, Озодлик, Ҳурлик деган азиз атамалар келди-я. Лекин мен ҳозир Мустақилликка Ислоҳот деган сўзни синоним демоқчиман. Гарчи бу сўз луғавий маъноси жиҳатидан тўла мос бўлмаса-да, моҳиятан мос тушади.

Мана, мустақилликка эришганимизга 18 йил бўлган бўлса, ҳамма соҳада – қурилишда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам, кашфиётлар яратишда ҳам, таълим-тарбияда, хуллас, тараққиёт ва фаровонликка эришишнинг барча йўналишларида ислоҳотлар олиб борилмоқда. Пойтахтдами, вилоятлардаги бирон туман ёки шаҳардами, барча жойда ўзгаришлар шу қадар қувонарлики, кечаги кундан бугунгиси анча-мунча фарқ қилади.

1991 йилда мамлакатимиз ҳурликка эришди. Оилаларга мўл-мўл ер участкалари берилди. Одамлар орзулар билан янги уйлар қура бошладилар. Кейин тадбиркорлик ҳаракатлари бошланди. Ҳунармандликка кенг йўл очилди. Ҳунармандлик...

Бу ҳақда ўйласам, онам раҳматлик кўз олдимга келади. Эсимда, дадам (Оллоҳ раҳмат қилсин) қаттиқ бемор бўлиб, олис Қрим вилоятининг Алупка шаҳридаги шифохонада даволанаётганда вояга етмаган етти бола билан Андижонда қолган онам қишда фуфайка, ёзда эркаклар кити тикиб, рўзғорни юргизардилар. Андижоннинг «майдон бозори» бўларди. Пайшанба ва якшанба кунлари ўша бозорда онам билан бирга «иш» сотардик. Онам мени бозордан анча беридаги чинор тагида каттагина тугун билан қолдириб, ўзи биттагина «иш»ни олиб, бозорга кириб кетарди. Ўтираверіб зерикардим. Онамнинг айтишларича, чеварларни «меҳнатсиз даромад топаяпсан», деб милиция ушлаб, жавобгар қиларкан. Шундан қўрқиб ишларини битта-битталаб у ёқдан - бу ёққа қочиб юриб, хавотир ва қўрқинч билан сотаркан. Савдомиз баъзан бўлар, баъзан эса «қувди-қувди»лар билан катта тугунимиз кичраймай келаси бозордан умид қилиб, қуруқ қайтардик.

Жарроҳлик операциясидан кейин дадам ногиронлик нафақасига чиқдилар. Кейинроқ фуфайка ва китель кийиш урфдан чиққач, энди онам дўппи тайёрлаш билан шуғулландилар. Барибир дўппини ҳам минг хавотир билан «меҳнатсиз даромад эгаси» сифатида пулга айлантириб келардилар. Шўрлик онам чеварчилик осон иш эмаслигини, тиккан нарсалари тайёр бўлгунча нинага қараб, ипак тортиб қанча машаққат чекканини, «меҳнатсиз» деган атама ҳунармандга мутлақо мос эмаслигини ўзи ҳам яхши биларди. Аммо тоталитар тузумнинг қонун-қоидасига кўра бир сўз дея олмасдилар.

Бугун эса, шарофатингдан ўргилай мустақиллик, ҳунармандниng ошиғи олчи. У тадбиркор сифатида эъзозланади. Имтиёзларга эга ҳолда турли танловларда иштирок этади. Мукофотланади. Ҳатто, уйда бажарган иши учун меҳнат дафтарчаси очилиб, иш стажи ёзилади. Маҳорат билан ишласа тиккан, яратган нарсасини хорижга сотиш имкони ҳам бор.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган ҳунарманд қизларимизни, «Ташаббус» танловларида ғолиб чиқиб, катта-катта совринларни қўлга киритган тадбиркор, фермер, турли ҳунар эгалари бўлган юртдошларимизни ўйласам, яна мискингина онажонимга ҳамроҳ болалигим ёдимга тушади-ю, мустақилликнинг қадрини чуқурроқ ҳис қиламан.

Мен ҳозир қишлоқда яшайман. 1988 йили пойтахтдан оилавий эҳтиёж туфайли қишлоққа кўчиб кетаётганимда, бундан буён қишлоқда яшашимни ўйлаб, Тошкентдай шаҳри азим билан Андижоннинг «дўппидеккина» Олтинкўлини бир-бирига таққослаб, гапнинг рости, ичдан роса ўкинган эдим.

Ўша Тошкентдан Андижонга кўчиб келганимдаги ички ўкинчдан ҳозир асар ҳам қолмаган. Ахир Андижонда ҳам улуғвор қурилишлар амалга оширилди. Боғишамолдаги Бобур боғи, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, Чўлпон боғи, сайр қилиб кўзинг яйрайдиган, дилинг тўлиқадиган Хотира майдони, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилган файзли майдон, ҳашаматли теннис корти биноси ва уни ўраб турган дам олиш сайргоҳи... Меҳмон етаклаб, мақтансанг мақтангудай юрт ва бу гўзал юрт туғилган масканинг бўлса... Қанақа ўкинч, бу қалбни тўлдирган фахр-ку!



Юрагингда гуриллаган гулханинг бўлсин экан,
Салом десанг сайқалланган суханинг бўлсин экан.

Яшаяпман, мен-да борман, дейиш учун ўз сасинг,
Ўз ташвишинг, ўз қувончинг, ситаминг бўлсин экан.

Кўнгил розин изҳор этсанг тўлиққан тупроқ узра,
Муҳаббатинг бино этган гулшанинг бўлсин экан.

Сайёҳ кетсанг кўзларингга муҳрланиб бўй-басти,
Қайтарингни кутар кулбанг, четанинг бўлсин экан.

Замиранинг жони кичик, ҳайратлари осмонча,
Замирадай ўз беклигинг, Ватанинг бўлсин экан.

Бир пайтлар мен «дўппидеккина» деб айтганим Олтинкўл-чи? Ундаги ислоҳотлар ҳам кишини қувонтиради. Бугун бу мўъжазгина туманда олтита қўшма корхона ишлаб турибди. «Фекинтекс Андижон», «Евро Азия пласт», «Кезар», «Биллона миллениум», «Агама», «Олтинкўл текстил»... уларда бугун Малайзия, Туркия, Хитой, Белоруссия, АҚШ давлатлари билан ҳамкорликда 400 га яқин юртдошларимиз ишлаяпти. Мустақилликкача бу олис хориж мамлакатлари Олтинкўл деган маскан борлигини ҳатто, билмасдилар ҳам. Андижон шаҳри билан Олтинкўл ораси 15 дақиқалик йўл. Самарқандда ишлаб чиқарилган автобуслар, Асакадан чиққан «Дамас» ва «Тико»лар метрополитендай қатнаб турибди. Буям мустақилликнинг шарофати эмасми?

Ана ўша қишлоқ деганим Олтинкўлдаги 1-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Содиқов танлов ғолиби сифатида Америкада ўқиб қайтди. 20-ихтисослашган мактаб-интернатнинг ўқувчиси Марҳабо Нўъмонова эса 2009 йил республика фан олимпиадасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Миллий университетига имтиҳонсиз қабул қилинди.

Ундан ҳам фахрлироғи, «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари тажрибали пахтакор Сиёсатхон Абдуллаева Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Сиёсат опа менинг 30 йиллик қадрдоним. Унинг камтарлигини, содда, меҳнаткашлигини, далаcига, шийпонига қанчалар меҳр қўйганини яхши биламан. Унинг бундай катта мукофотга лойиқ топилгани эса озод юртда фидойи бўлишнинг самараси. Бундай дилга фахр берадиган мисоллар кўп. Ўзи яратиб, ўзи меҳнат қилиб, ўзи фаровон яшашни ўрганган эл мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини яхши билади.

Бутунлай қишлоқдан чиқолмай қолиб кетганим йўқ. Ижодкор сифатида Тошкентга тез-тез бориб тураман. Қамчиқ довонидаги ислоҳотлар ҳам фаровонликнинг белгиси. Тоғни тешиб қурилган иккита тоннель, текис, равон йўллардан тўрт ярим-беш соатга қолмай манзилга етамиз. Йўллар манзарали, гўзал, ҳавоси ширин, ён-верида ўнлаб ошхона, чойхона, кафелар, ўзбекча лутф билан хизматингга тайёр. Довондан тушилгач, Балиқчи, Чинобод ва Олтинкўл туманларини бирлаштирган Буюк ипак йўлининг икки четидаги анвойи гулларни, кўркам арча ва бошқа манзарали дарахтларни кўриб, диллар яйрайди. Ахир дарахт экиш, гул ўстириш нотинч кўнгилга сиғмайдида. Кўнгилга гул сиғибдими, гўзалликка, эзгуликка ошно бўла билибдими, бу ҳаётдан мамнунлик нишонаси.

Мустақиллик йилларининг бошидан буён анъанага айланиб қолган «Андижонни кўркам вилоятга айлантирайлик» шиори остидаги байрамда фаол иштирок этаётган юртдошларимиз бугун мазкур фестиваль учунгина эмас, ўз кўнглини завқлантириш, «бу менинг юртим», деган фахрни, ғурурни ҳис қилиш учун ҳам гўзалликка эш бўлиб яшашяпти. Обод гузарлардаги чойхоналар, маиший хизмат шохобчалари, катта-кичик дўконлар, савдо уйлари – барчаси халқнинг фаровонлиги учун хизмат қиляпти.

Баҳорда анвойи гулга тўлиб, ёзу кузда тўкин мева солувчи боғлар-чи? Буям ризқ. Элнинг ризқи. Баъзан мазкур йилларда рўй бераётган жаҳон иқтисодий кризиси ҳақида сўзлашганида, менинг кўнглимдан «ўзбекнинг саховатли ери бор, кўнгли яратувчанлик ҳиссига лиммо-лим меҳнаткаш халқи неча турли сабзавоту полиз экини ва мевали дарахтлар ўстирмоқда. Демак, дастурхони тўкинликни йўқотмайди», деган ўй ўтади. Ростиям шу. Худди шу кризисли йиллар келишини олдиндан билгандай қишлоқда ҳаммага катта-катта томорқалар берилгани ҳукуматимизнинг олдинни кўра билгани эмасми.

Муҳими, мустақиллик элнинг кўнгил тубида турган истаклари рўёби томон йўл бошлаб берди. Кишиларимиз нима яхши ишни бошласалар, унинг самараси ўзи учун, фарзандлари, қўни-қўшниси, кенгроқ олсак, ўз эли учун эканлигини ҳис қилиб турибдилар.

Қайси кўнгил бундай улуғворликларга ҳисса қўшишни истамайди. Ким мустақил Ўзбекистондай Ватанни кафтига қўйиб ғурурланиси келмайди. Илҳомланиб куйламайди.

Нигоҳимда юз минг ҳайрат бор,
Терміламан, яйрайман, Ватан.
Чорловингга турибман тайёр,
Кунларингга ярайман, Ватан.
Ифтихорим кафтидасан Ўзбекистон,
Муҳаббатим тафтидасан Ўзбекистон.

Ҳабибингман севгиси якто,
Суяниб қад кергумдир, Ватан.
Табибингман сен учун ҳатто,
Жонимни ҳам бергумдир, Ватан.
Ифтихорим кафтидасан Ўзбекистон,
Муҳаббатим тафтидасан Ўзбекистон.

Журъатларим ошиқларга хос
Ёнишим ёз қуёши каби.
Танглайимни кўтаргани рост,
Улуғларинг буюк матлаби.
Ифтихорим кафтидасан Ўзбекистон,
Муҳаббатим тафтидасан Ўзбекистон.

Сен бамисли покиза имон,
Асрайдурман қароқларимда.
Хизр назар юртим, бўл омон,
Куч олурман тупроқларингдан.
Ифтихорим кафтидасан Ўзбекистон,
Муҳаббатим тафтидасан Ўзбекистон.

Замира РЎЗИЕВА.

АНЪАНА

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ШОН-ШАРАФ ИШИ

Сўнгги йилларда Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятлари сезиларли даражада ошиб, армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.

Президентимиз «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида: «Менинг эзгу орзуим шуки, армиямиз халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этсин, унинг сафларида хизмат қиладиган фарзандларимиз ўзи туғилиб ўсган, вояга етган, ота-боболарнинг ҳоки ётган муқаддас заминимизга бир умр садоқатли бўлсин», дея эзгу ният қилган. Мана, бугун бу эзгу орзу-ниятларнинг самарасини кўряпмиз. Албатта бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Амалга оширилаётган бундайин ислоҳотлар замирида Қуролли Кучларимизда жорий этилаётган, халқимиз, миллатимизга хос қадриятларга уйғунлашиб, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, суверенитетимизни, халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган профессионал армияни шакллантиришга қаратилган анъаналар борки, улар ҳақида алоҳида тўхталмасдан иложимиз йўқ.

Икки йилча муқаддам, аниқроғи мустақилликнинг 16 йиллигида янгича бир анъанага асос солинди. Яъни Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ота-оналарига ташаккурномалар йўллашдек эзгу иш йўлга қўйилди. Ташаккурномалар мустақиллик айёми ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўлланаётганини бугун кўпчилик яхши билади. Истиқлол сабаб ана шундайин янгича анъаналар шаклланаётгани дунёқарашимиз, маънавиятимиз бойиётганидан. Замон билан ҳамқадам, янгича фикрлаётганимиздан.

Маълумки, Ташаккурнома ҳарбий ислоҳотлардаги, жамоат ишларидаги фаол иштироки, ўз хизмат мажбуриятларига виждонан ёндашиши орқали мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, армиямизнинг жанговар қобилиятини, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига йўлланади. Демак, бу посбонларни замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, уларни миллий хавфсизлигимиз ҳимоясига тўла сафарбар этиш учун юксак тайёргарликларга эга бўлишга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида шаклланишга йўналтиради. Мана, унинг моҳияти нимада?!

Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиларини, мард, жасур ўғлонларни тарбиялаб вояга етказишда, фарзандларига юртга виждонан ва мардларча хизмат қилишлари учун оқ фотиҳа бериб, қўллаб-қувватлаётган ота-оналарга йўлланар экан, Ташаккурнома маънавий бир кучга айланади.

Гулчеҳра опа Рўзиева ўқитувчи. Ўғли Бобораҳим муддатли ҳарбий хизматга отланганда, тилакларини ҳатто шеърга солиб айтганди. Фарзанди Ўзбекистон аскари бўлишидан, муқаддас заминини, нурафшон келажак сари интилаётган юртини ҳимоялашдек масъулиятга муносиб топилганидан фахрланиш, ғурурланиш ҳисси қалбини эгаллаб олганди, онанинг. Шунинг учун ҳам туйғулар шеър бўлиб, ширин сухан бўлиб, «ўзини» ошкор қилганди. Туман мудофаа ишлари бўлимига чақиришиб, ўғлининг миллий армиямиз сафларида мардонавор хизмат қилаётгани, Ватан ҳимоясини муқаддас бурч санаб, жанговар ютуқларга эришаётгани учун Гулчеҳра опага Ташаккурнома топширишди.



– Бугун шу мустақил юртнинг бахтиёр оналари сафида эканлигимдан фахрланаман. Мен оддий аскар онасиман. Бугун менинг фарзандим Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ўз йигитлик бурчини шараф билан адо этар экан, қалбим чексиз фахр ва ифтихорга тўла. Бу туйғуни фарзанди армия сафларида хизмат қилган оналар яхши биладилар.

Ватанни севиш, уни кўз қорачиғидек асраш, ҳимоясига доим тайёр туриш мард ўғлонларнинг шарафли бурчидир. Ватанни ҳимоя қилиш онани ҳимоя қилиш, оилани ҳимоя қилиш, демакдир. Фарзандим каби азиз бўлган ҳарбийларнинг Ватан олдидаги юксак масъулиятини англаши, ўз бурчини шараф билан адо этаётганлиги бизнинг омадимиз, бахтимиздир.

Онанинг юрак-юрагидан отилиб чиқди, бу калом. Ахир, шундай фарзандни камолга етказгани учун халқи, Ўзбекистони миннатдорлик билдирмоқда эди-да.

Ҳа, Ташаккурнома топширилган кўпчилик ота-оналарнинг кўнгилларидан шундай фикрлар ўтиши табиий.

Бундайин ҳаяжонли онларни кузатар эканмиз, Президентимизнинг «...Миллий армиямизни ҳақиқатан ҳам мутлақо янгича, замонавий негизда, аввалambор, юксак маънавий асосда ташкил қилмоқдамиз», деган гаплари хаёлимизга келади. Дарҳақиқат, маънавий салоҳиятли посбонни енгиб бўлмайди. У кимга, нимага хизмат қилаётганини кўр-кўрона эмас, юрак-юрагидан англайди. Шунинг учун ҳам аввалбошданоқ мард ўғлонларимизнинг маънавий-маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди. Мана шундайин эзгу анъаналар орқали улар қалбларига она замин, бегубор осмон, шу гўзал ҳаётни ўзи ва оиласи, келажак авлодлар учун сақлаш масъулиятини сингдирдик.

Бундайин анъаналар ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган марду майдонларни кашф этаётганини ўйлаганда, фахрдан, ғурурдан энтикиб кетасан, киши.

Подполковник А.САФАРОВ.

Идет боевая учеба

САПЕРЫ ТРУДЯТСЯ В ПОЛЕ

Слова воинской мудрости: «Поле – академия для солдата» весьма актуальны и для воинов инженерных подразделений. Вот и личный состав инженерно-саперного взвода старшего лейтенанта Ильхома Мухаммадиева максимально использует полевые выходы для повышения мастерства.

Место поиска ограждается специальной разметкой с флажками, на которых выведена буква «М». Конечно, это вовсе не означает, что в данном квадрате местности обязательно имеются мины, но мера предосторожности отнюдь не лишняя. И командир секции младший сержант Ойбек Тожибоев строго и тщательно исследует каждый сантиметр почвы миноискателем не из праздного интереса. Рядом с ним идет со щупом сапер младший сержант Шерали Жураев. По итогам осмотра воины дадут гарантию в том, что эта земля навсегда возвращена к мирной жизни.

Механик-водитель инженерной машины разграждения (ИМР) младший сержант Шодмон Тошниязов расчищает ею завалы из различных предметов. Ведь саперы не только проверяют здесь все на наличие опасных веществ, но и наводят строгий порядок, и только после этого территория будет передана.

В палаточном городке встречает саперов санинструктор младший сержант Зебо Кулдашева. Задача у этой хрупкой и симпатичной женщины тоже вполне боевая: следить за здоровьем личного состава. Впрочем, народ здесь подобрался крепкий и выносливый, воинам нипочем зной середины лета. И все же таблетки для укрепления иммунитета и выносливости она не забывает выдать саперам перед выходом в поле.

Изредка потенциально опасные предметы все же извлекаются саперами из земли. Вот командир взвода показал мне проржавевший от долгого лежания в почве снаряд. Ясно, что он оказался зарытым там еще десятки лет назад, а сейчас благодаря четким и умелым действиям саперов обезврежен.

Среди таких профессионалов своего дела можно назвать и командира секции младшего сержанта Гайрата Жумаева. За годы образцовой службы им извлечены из земли немало таких взрывоопасных предметов.

Бывает так, что в результате чьих-то безответственных действий опасные предметы десятками лет таятся в земле, в ожидании своего часа. И только мастерство воинов саперных подразделений, вооруженных самой современной техникой для их поиска и обнаружения, позволяет спасти десятки жизней от возможной беды. Такова их благородная миссия: возвращать землю к мирной жизни.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**



ОГОҲЛИК

Маънавий-маърифий анжуман

ҲУШЁРЛИК – ИШОНЧЛИ ҚУРОЛ

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида тузилган режага асосан тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари офицер Р. Равшанов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда «Ғоявий кураш: тарих, талқин, технология» мавзусида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилган Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими ҳарбий қисм шахсий таркибига бугун дунёда ҳар хил ғоялар, мафкуралар кураши давом этаётгани, турлича ақидалар, ёт ғоялар хуружига қарши курашни бир дақиқа ҳам тўхтатиб бўлмаслиги, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазоларнинг хавфсизликка таъсири ҳақида гапирди. Шунингдек, фуқаровий бурчларни чуқур англамаслик, ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлиши лоқайдлик ва эътиборсизликка олиб келиши мумкинлиги, уларга қарши ҳарбийларимизда мафкуравий иммунитетнинг кучли бўлиши ва бунга эришмоқ учун барча бирдай ҳаракат қилиши энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Қолаверса, ғоявий курашлар, уларнинг тарихи, инсоният тарихи – ғоялар тарихи экани, турли хил ёт ғоялар ва уларга қарши мафкуравий тарғибот технологиялари ҳақида сўз юритилди.

– Бугун тарбия иши ғоят мураккаб тус олган, – дейди офицер Р. Равшанов. – Аслида тарбия ҳамма замон ва даврларда ҳам биринчи ўринда бўлиб келган. Бизнинг давримизга келиб у бирмунча мураккаблашди. Негаки давримиз техника ва ахборот технологиялари асри деб аталади. Бугун мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучли. Турли хил ғоялар ва ахборотлар хуружи авж олган. Хавфли томони, бундай хуружларнинг таъсирига энг биринчи галда ҳали шаклланиб улгурмаган ёшлар тушиб қолмоқда. Бунга қарши кураша олиш, шахсий таркибда турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун маънавий-маърифий ишлар пухта асосда йўлга қўйилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Демак, тарбия ишининг тубдан яхшиланмоғи давр талабидир. Шу борада бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш ҳам жуда ўринли, деб ҳисоблайман.

Анжуман давомида посбонлар томонидан берилган бир қатор саволларга жавоб қайтарилди. Муддатли ҳарбий хизматчилар – оддий аскарлар С.Қурбонов, С. Жўраев, О. Пардаев ва Ҳ. Абдуназаровлар мазкур маънавий-маърифий тадбирдан ўзлари учун керакли бўлган муҳим ҳаётий билимларни олганликларини эътироф этишаркан, ёт ғояларга қарши курашиш учун ҳар дам огоҳ ва ҳушёр бўлиш энг ишончли қурол эканлигини таъкидладилар.

Яшин КОМИЛОВ.



ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Марказий ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмда «Маънавиятимизга таҳдид – ўзлигимиз ва келажамизга таҳдид» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.




– Дунё бўйлаб ахборот хуружлари ва турли ғоялар курашлари авж олган бугунги кунда ўзлигимиз, маънавиятимизга қаратилган таҳдидлардан огоҳ бўлишимиз ниҳоятда долзарб масалалардан ҳисобланади, – дейди офицер Б. Абдуваҳобов. – Қисмимизда ўтказилган бу каби тадбирларда юрт посбонлари, Қуролли Кучларимиз ишчи ва хизматчиларига бундайин хавф ҳамда унинг ҳар хил кўринишлари, салбий оқибатлари ва таъсир қилиш воситалари ҳақида тушунчалар берилиб, тингловчиларнинг бу борадаги билимлари мустаҳкамланиши, дунёқарашлари кенгайишига хизмат қилишини таъкидлаш жоиз.

Тадбир давомида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими мутахассиси Гулчеҳра Ибрагимова, миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази масъул ходими, фалсафа фанлари номзоди Шавкат Тўраев ва сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбековларнинг маърузалари тингланди.

Учқун САИДНАЗАРОВ.

ХАВФ – МАФКУРАВИЙ БЎШЛИҚДА

Ҳозирги даврда ахборот хуружлари, мафкуравий таҳдид ҳар қандай қуролли ҳужумлардан-да хавфлироқ, таҳликалироқ кўриниш касб этмоқда. Инсонлар, айниқса, ёшлар онги, қалбини эгаллаш, уларни турли ёт ғоялар билан заҳарлаш мақсадидаги ёт унсурларнинг қинғир фаолияти юрт келажаги хусусида қайғурувчи ҳар бир юртдошимиз қалбида нафрат уйғотиши табиий. Мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишталик, тинчлик, фаровонликни кўролмайдиган, халқ ўртасида норозилик, келажакка ишончсизлик кайфиятини уйғотишдан манфаатдор бўлган бузғунчиларга қарши курашда фақатгина нафратланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Аввало, ёшларимизнинг онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, уларда ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш талаб этилади. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айттанда, «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ» энг самарали усул ҳисобланади.



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда офицер Жўрабек Баҳранов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ўтказилган маънавий-маърифий анжуман ҳам ана шундай мақсадга қаратилди. Тадбирда иштирок этган Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими мудири Убайдулла Олтинов Ватан ҳимоясидек шарафли ишга масъул ҳарбий хизматчиларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш бугунги кунда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё азалдан турли давлатлар манфаатлари тўқнашган, муҳим геосиёсий ҳудуд бўлиб келган, – дейди нотиқ. – Айниқса, мустақилликка эришганимиздан кейин биз танлаган йўлни кўролмайдиганлар аҳоли ўртасида ёт ғоя ва мафкураларни тарқатишга ҳаракат қилишаётир. Улар ғаразли мақсадларни амалга оширишлари учун мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружларидан фойдаланмоқдалар. Кўпчилигимиз бундай хатти-ҳаракатлар ортида кимлар турганн, бундан кимлар манфаатдор экани ҳақида яхши биламиз. Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот оқимини жиловлашнинг иложи йўқ. Айниқса, интернет тармоғи орқали ёшларимиз фойдали ахборотлар билан бир қаторда ёт, бузғунчи ғоялар билан ҳам танишаётир. Таъкидлаш жоизки, бундай шароитда уларнинг онги ва қалбини зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишнинг энг мақбул йўли – доимий равишда кучли тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб бориш, шу орқали уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита бош мутахассиси Миродил Ҳайдаровнинг «Диний экстремизм ва фундаментализм – тараққиёт кушандаси» деб номланган маърузаси кўпчиликда катта таассурот қолдирди. У ўз нутқида ислом динининг тарихи, асл моҳияти, бизнинг давримизда кўплаб оқимлар, диний-экстремистик гуруҳлар ундан ниқоб сифатида фойдаланаётгани, бу юртимиз тараққиёти ва ёш авлод маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисида сўзлаб, уни аниқ мисоллар, далиллар билан исботлаб берди.

– Ер юзидаги деярли барча динлар инсонларни эзгуликка чорлаб келган, – дейди М. Ҳайдаров. – Шу жумладан, ислом дини ҳам. Ўзбекистон улкан муҳаддислар, фиқҳ илми билимдонлари юрти ҳисобланади. Буюк аждодимиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандийларнинг ислом дини тараққиёти йўлидаги хизматлари бутун дунёда маълуму машҳур эканининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди. Мустабид тузум даврида тақиқланган, тазйиқ остига олинган анъаналаримиз, миллий қадриятларимиз истиқлол сабаб қайта кўз очди. Бугун фуқароларнинг эътиқод эркинлиги, ибодатларни тўлатўкис адо этиши учун барча шароитлар мавжуд ва бу ҳуқуқлар тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Хусусан, диний билимларни ўрганиш истагида бўлганлар мамлакатимизда расман фаолият кўрсатаётган қатор мадрасалар, ўрта махсус билим юртлари ва олий ўқув юртларида таҳсил олишлари мумкин. Афсуски, мана шундай шароитда ҳам динни ўзига ниқоб қилган бузғунчи гуруҳлар тузоғига тушиб қолаётган ёшлар учраб турибди. Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундай ҳолатларнинг олдини олишдан иборат.

– Бугунги кунда мафкуравий таҳдидлар жамият тараққиётига катта хавф туғдираётгани барчага аён, – дейди катта лейтенант Шоҳруҳ Ҳакимов. – Жумладан, ҳали оқ-қорани яхши фарқлай олмайдиган, ишонувчан ёшларнинг онгини забт этишга қаратилган ахборот хуружлари ҳам шулар сирасидандир. Бугунгидек тадбирлар фуқароларнинг менталитетимизга зид бўлган турли зарарли оқимлар, ёт таълимотлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишга хизмат қилади.


– Мутахассисларнинг маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди, – дейди сержант Баҳром Бердиев. – Уларда илгари сурилган масалалар бугунги кунининг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Инсонлар онгини эгаллашга, соғлом маънавий-маърифий турмуш тарзига раҳна солишга қаратилган ёт унсурлар фаолияти, ғаразли мақсадидан огоҳ бўлиш ҳар биримиз учун фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Тадбир давомида посбонларнинг кўплаб саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди. Анжуман сўнгида йиғилганлар эътиборига таниқли кинодраматург Тоҳир Шомуродов сценарийси асосида суратга олинган «Тузоқ» фильми намойиш этилди.

Абдуллоҳ СОБИРҚУЛОВ.
Муаллиф суратга олган.

ДУНЁ НАФАСИ

СУҒУРИЛГАН ТИШ ЎРНИДА ЯНГИСИ ЎСДИ



Токио университетининг табиий фанлар билан шуғулланувчи бир гуруҳ олимлари ва «Otsuka Holdings» компанияси сичқонларда суғуриб олинган тиш ўрнига янгисини ўстиришга муваффақ бўлишди.

Тадқиқотга асосланиб, кўплаб япон газеталари мазкур янгилик репродуктив тиббиётда янги саҳифа очиши, яъни бу тажрибани инсониятга ҳам татбиқ этиш мумкинлиги ҳақида бонг уришмоқда.

Профессор Такаси Цудзи раҳбарлигидаги тадқиқотчилар сичқон тишларидаги 40-50 мингта тўқимани олишиб, уни темир коллагенда ўстиришди. Натижада ярим миллиметрлик тиш ўсиб чиқди ва у суғуриб олинган тиш ўрнига ўтқазилди. Қарабсизки, тиш 37 кунда милкда илдиз отди, 50 кунда ўзининг табиий катталигига етди. Шуни ҳам айтиш лозимки, олимлар ўтқазилган тишда асаб толалари ва қон томирчалари ҳосил бўлганини ҳам аниқлашди. Ҳатто, тишга механик таъсир ўтказилганда, оғриқ сезиляпти. Бу эса унинг табиийлигини таъминлаяпти, дегани.

УЧ ЎРИНДИҚЛИ МАШИНА



«Mercedes-Benz» «Smart» дея номланувчи уч ўриндиқли янги миникар ишлаб чиқаришни режалаштирган. Компаниянинг режасига кўра, у яқинда ишлаб чиқилган «Toyota iQ», қолаверса, «Audi» ва «BMW» миникарларига рақобат тарзида ишлаб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, янги модел спорткарларга, аниқроғи «Формула-1» га ўхшатиб тайёрланади. Яъни ҳайдовчи ўртада, икки йўловчи эса орқа ўриндиқда жойлашади. Миникар бошқаларидан унчалик фарқ қилмайди, фақат мотори автомобилнинг орқа қисмида жойлашишини ҳисобга олмаганда.

Интернетда тарқатилган хабарга кўра, янгилик «ForThree» (уч кишилик) номини олиши мумкин. Миникар 2014 йилда сотувга чиқиши кутиляпти.

ДЕНГИЗДАН ТОПИЛГАН УЯЛИ ТЕЛЕФОН



Денгизда йўқотилган уяли телефон тўрт кун давомида Тайван соҳиллари яқинида «саёҳат» қилди. Қутқарувчилар уни соҳилдан 37 километр узоқликдан топишиб, эгасига қайтаришди, дея хабар тарқатган «Taiwan's United Daily News» газетаси.

Соҳил қўриқлаш хизмати вакиллари журналистларга Тайван фуқароси Юй Синьлэй 24 июль куни уяли телефонини порт шаҳри Цзилундан денгизга чиққанида йўқотганини, орадан маълум вақт ўтиб, аппарат Лун Дун кўрфазида пайдо бўлганини маълум қилишган. Телефонни топган қутқарув хизмати ходимининг таъкидлашича, сув ўтказмайдиган ғилоф унинг ичига тузли сув киришига қўймаган. Қутқарувчи телефонни қувватлантиргач, дарҳол хотинига қўнғироқ қилиб, номерига қараб рўйхатдан эгасини топиб беришини сўраган. Шу тариқа эгасини топиб, телефонни қайтарган.

ҚУМНИ НОҚОНУНИЙ ҚАЗИБ ОЛМАНГ



Мексика ҳарбий денгиз кучлари табиатни қўриқлаш муассасаси ходимлари машҳур Канкун санаторийсининг пляжларидан бирини ёпди. «Prian.ru» сайти тарқатган хабарга кўра, бунга пляж ёнидаги меҳмонхона эгасининг ноқонуний равишда қум қазиб олгани сабаб экан.

Маълум бўлишича, 2005 йилда Мексика ҳукумати «Вилма» тўфони келтирган зарардан кейин Канкун пляжи тикланиши учун 19 миллион доллар маблағ сарфлаган. Бироқ «Gran Caribe Real Hotel» меҳмонхонаси эгаси тўфондан ҳимояланиш учун ноқонуний равишда денгиз тубидан қум қазиб олган ва тўлқинни қайтарувчи мослама қурган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Арестованы злоумышленники, планировавшие теракт

Австралийская полиция заявляет об аресте четырех подозреваемых, которые планировали нападение на военную базу, передает Интерфакс. Задержанные – австралийцы, выходцы из Сомали и Ливана. Им от 22 до 26 лет. Злоумышленники, по информации полиции, рассчитывали атаковать военную базу и убить как можно больше солдат, прежде чем их самих застрелят. «Это нападение могло бы быть самым серьезным терактом в истории Австралии», – заявил представитель полиции.



На Кабул упали семь реактивных снарядов

Семь реактивных снарядов упали на различные районы афганской столицы, два человека ранены, сообщает РИА Новости со ссылкой на полицию Кабула. Ракеты упали в районах Чарраҳи Табдилхан, Вазир Акбархан, а также в третьем микрорайоне города.

По данным начальника криминальной полиции Кабула Саида Абдула Гаффара, ранения получили два человека, когда один из РСов попал в жилой дом.



ВВС нанесли авиаудар по лагерю РВСК

По меньшей мере 14 боевиков Революционных вооруженных сил Колумбии (РВСК) погибли и двое получили ранения в результате авиаудара военно-воздушных сил страны по лагерю РВСК.

Как сообщили местные власти, лагерь, в котором укрывалось около 200 боевиков, располагался в департаменте Мета в центре страны, передает ИТАР–ТАСС.



Самолет совершил экстренную посадку из-за турбулентности

Самолет американской авиакомпании Continental Airlines вынужден был совершить экстренную посадку в Майами (штат Флорида) после того, как попал в зону сильной турбулентности.

В результате из 168 пассажиров и 11 членов экипажа, которые летели из Бразилии в штат Техас, ранения различной степени тяжести получили по крайней мере 26 человек, в том числе четверо пострадали серьезно, сообщает АР.



Россия может купить крупный военный корабль

Россия намерена купить во Франции крупный корабль для своего военно-морского флота – универсальный десантный вертолетоносец класса Mistral, сообщает «Коммерсант» со ссылкой на французскую деловую газету «La Tribune». Приобретение Mistral может стать первой масштабной закупкой вооружений Министерства обороны России за рубежом.



Первые жертвы нового гриппа появились

Пандемия нового гриппа охватывает азиатские страны. Первые случаи смерти зарегистрированы в Индии и во Вьетнаме, сообщает ИТАР–ТАСС. По данным министерства здравоохранения Индии, в Пуне с населением 2,8 млн. человек общее число больных этим гриппом составляет более 500 человек.

Во Вьетнаме зарегистрирован уже 971 случай заболевания новым гриппом, 458 из них уже выздоровели и выписаны из больниц.

МАСЛАҲАТ

ҚУТҚАРУВЧИЛАР ОРОМГОҲДА

Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» соғломлаштириш оромгоҳида Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан «Фуқаро муҳофазаси» кунлари доирасида услубий-амалий машғулотлар ўтказилди.

Режали тадбирлар давомида Чирчиқ шаҳридаги тез ҳаракат қилувчи махсус бўлинма қутқарувчи-халоскорлари дам олувчилар учун кўргазмали чиқишлар қилдилар, турли машғулотлар ўтказдилар. Сўнгра ўғил-қизлар ўртасида фуқаро муҳофазасига оид билимларни мустаҳкамлаш мақсадида қизиқарли викториналар уюштирилди.

Хўш, ёзги таътилни сўлим оромгоҳда ўтказаётган дам олувчилар учун бундайин машғулотларни ўтказишдан асосий мақсад нима?

Фавқулодда вазиятлар ўз номи билан ҳам кутилмаган вақтда ва шаклда рўй бериши мумкинлигини айтиб турибди. Демак, уларга ёшу қари, ўғилу қиз тайёр бўлиши ва экстремал ҳолатларда тўғри ҳаракатлана билиши лозим. Бунинг учун эса улар ҳақидаги бирламчи ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиш талаб этилади.

«Тонг»даги машғулотларда ер силкиниши рўй берганда ва ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш, сувга чўкаётганларга амалий ёрдам кўрсатиш, газниқобдан фойдаланиш ва биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари каби муҳофаза тадбирлари машқлар воситасида намойиш этилди.

– Машғулотлар барча ўғил-қизларга бирдек манзур бўлди, – дейди соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Любовь Адилова. – Ўйлашимча, айниқса, қизиқарли савол-жавоблардан иборат ўйин тарзидаги тадбирлар ниҳоятда самарали бўлди. Мутахассислар томонидан маънавият ва маърифат хонамиз фуқаро муҳофазасига оид ўқув қўлланмалари ва кўргазмали воситалар, китоб ва эслатмалар билан жиҳозланиши бу борадаги билимларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.



Противопожарная безопасность

МЕРЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ

С постоянным ростом и использованием электроприборов, различных потребителей электроэнергии в быту возрастает также опасность возникновения пожаров от данных источников.

В настоящее время почти каждый третий пожар происходит от электрических приборов и электрооборудования.

Основными причинами этих пожаров являются:

– нарушение правил эксплуатации и режима работы электроустановок, подключение самодельных электроприборов;

– неисправность или несоответствие электрооборудования, проводов и приборов защиты;

– невыполнение требований пожарной безопасности.

Наибольшее количество происходит от электронагревательных приборов (электрических плиток, электрочайников, электроутюгов.

Пожарная опасность их характеризуется высокими температурами на наружных поверхностях и образованием лучистой теплоты. При этом любой электронагревательный прибор становится тем опаснее в пожарном отношении, чем больше времени он включен в сеть.

Необходимо устанавливать их на теплоизолированные подставки (толстые керамические плитки или листовое железо) и не оставлять включенными в сеть без присмотра на длительное время.

Поэтому для предупреждения предпосылок возникновения пожаров от электроустановок требуется не только правильно подобрать и смонтировать электрооборудование, но и строго соблюдать правила его эксплуатации, своевременно производить профилактические ремонты, а также строго выполнять требования пожарной безопасности.

Служба противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона напоминает, что строгое следование противопожарным мероприятиям в повседневной деятельности и в быту исключает возможность возникновения пожара на своем рабочем месте или дома.



Майор Тимур АЧИЛОВ,
начальник службы ППЗ и СР Ташкентского гарнизона.

ИЧ ТЕРЛАМА КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

Ич терлама ёки қорин тифи юқумли ичак касаллигини салмонеллалар авлодига мансуб тиф бактериялари қўзғатади. Фақат одамларда учрайдиган ушбу ўткир юқумли касаллик ичакларнинг зарарланиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, заҳарланиш аломатлари ва ҳолсизланиш белгилари билан кечади. Одатда, иситма юқори бўлиб, бемор ўзини билмай, алаҳсираш билан кечадиган барча касалликлар ўтган асрнинг бошларигача «тиф» дея аталган. «Typhos» лотинча сўз бўлиб, «тутун, туман» маъносини англатади.

Ич терлама касаллигининг хавфлилик даражаси қуйидагилар билан белгиланади:

– соғлом инсонлар орасида сурункали инфекция ташувчилар кўплиги сабабли, доимо касаллик инфекциясининг тарқалиш хавфи мавжуд;

– касалликдан сўнг инсон организмида қайтариб бўлмас асоратлар ҳосил қилиши мумкин;

– касаллик туфайли ишга лаёқатсизлик даражаси ортиши билан давлат иқтисодиётига катта зарар етади;

– эндемик касаллик ўчоқларида ўлим даражаси кўплиги – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили ер юзида ич терлама касаллиги оқибати туфайли 600 минг киши ҳаётдан бевақт кўз юммоқда.

Касаллик чақирувчи микробларни махсус бўёқлар ёрдамида, микроскоп орқали кўриш мумкин. Ушбу микроорганизмлар инсон танасидан ташқарида ҳам яшаш қобилиятини сақлаб қолиб, оқиб турган сувда 5–10 кун, кўлмак сувда 30 кунгача, водопровод сувида 3 ойгача, мева ва сабзавотларда 5–10 кун яшаши мумкин. Сут, гўшт ва балиқдан тайёрланган маҳсулотларда эса ҳатто кўпайиш хусусиятига эга.

Ич терлама – ўткир юқумли ичак касаллиги бўлиб, касаллик қўзғатувчилари бемор ёки бактерия ташувчи соғлом одам нажаси ва сийдиги билан ташқи муҳитга чиқади. Касаллик қўзғатувчиси одам танасига асосан сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари орқали киради. Бундан ташқари ифлосланган қўллар, маиший буюмлари (идиш-товоқ, кийим, кўрпа-ёстиқ, сочиқ) ва пашшалар ҳам касалликни юқтириш омиллари бўлиб хизмат қилади.

Касаллик асосан ёз ва куз ойларида кўпроқ учрайди. Ушбу касаллик қўзғатувчисининг тарқалишида пашшалар катта роль ўйнайди. Аҳоли яшаш манзилларининг тозалиги, тоза ичимлик суви билан етарли таъминланганлиги, оқава сувларининг марказлаштирилганлиги касаллик келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олишда алоҳида аҳамиятга эга.

Қорин тифи қўзғатувчиси одам организмига тушганидан кейин бир ҳафтадан 3 ҳафтагача бўлган даврда касаллик аломатлари пайдо бўла бошлайди. Касаллик умумий ҳолсизланиш, тез чарчаш, бош оғриғи, баъзан қалтираш билан бошланади. Вақт ўтиши билан бу белгилар кучая боради, касаллик бошланганидан кейин 4–7 кун ўтиб, тана ҳарорати 39–40 даражагача кўтарилади, иштаҳа пасая бориб, кейинчалик умуман йўқолади. Ич қотиб, қоринда дам йиғилади. Беморнинг ҳаракатлари сустлашиб, саволларга эътиборсиз, кечикиб жавоб беради. Касалликнинг 7-8-кунларига келиб, беморнинг танасида пушти ранг тошмалар пайдо бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар 3 беморнинг бирида юрак мушакларининг яллиғланиши (миокардит) ёки ўпка тўқималарининг яллиғланиши (пневмония) ривожланади. Беморларнинг 20–45 фоизида бош миянинг жароҳатланиши кузатилади. Бу ҳолат ҳаракатсизлик, доимий бош оғриғи, кўз олдида турли шарпалар кўриниши, алаҳсираш билан юзага чиқади. Иссиқ иқлим шароитида касаллик ўткир ривожланиб, тана ҳароратининг тезда кўтарилиб кетиши, овқат ҳазм қилишнинг бузилиши, кучли чанқаш, мушаклар ва бўғимларда кучли оғриқ билан кечади. Қорин тифи касаллигининг яна бир хавфли томони, унинг асоратларидир. Касалликнинг 2-3-ҳафталарида ингичка ичак тешилиши хавфи пайдо бўлади. Бу вақтда ичакдан қон кетиши ҳам беморнинг аҳволини оғирлаштиради. Бемор барвақт аниқланиб, касалхона шароитида самарали даволанса, хасталик асоратларининг олди олинади.

Касаллик белгилари пайдо бўлиши биланоқ бемор ахлати, сийдиги ва қисман сўлаги билан тиф бактерияларини ташқарига чиқара бошлайди ва аста-секин микроблар миқдори кўпайиб боради. Баъзи ҳолларда, бемор соғайгандан сўнг ҳам бактерия чиқариш узоқ муддат (бир неча ойдан бир неча йилларгача) давом этиши мумкин. Бундай шахслар бактерия ташувчилар, деб аталади. Бактерия ташувчи инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган касбларда, айниқса аҳолини сув билан таъминлайдиган муассасаларда ишлаши жуда хавфлидир.

Ич терламага қарши кураш чоралари тизимида шахсий таркибни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув сифатининг давлат стандартлари талаблари даражасида бўлишини ҳамда озиқ-овқат, асосан сут маҳсулотлари сақланиши ва ишлатилишини мунтазам равишда назорат қилиб туриш муҳим ўрин эгаллайди.

Идиш-товоқларни махсус ювиш воситалари ёрдамида иссиқ сувда яхшилаб ювиш ва зарарсизлантирувчи эритмалар ёрдамида ёки қайноқ сувда чайиб, зарарсизлантириш, бундан ташқари ётоқхона ва ҳожатхоналарни тоза тутиш, ҳар куни дезинфекциялаб туриш лозим.

Ахлат чиқиндиларининг тўпланиб қолишига, пашшаларнинг кўпайишига йўл қўймаслик учун чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш ва ахлатхоналарга вақти-вақти билан зарарсизлантирувчи эритма ёрдамида ишлов бериш керак.

Шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, ҳожатхонадан чиққандан сўнг ва овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш талаб этилади.

Ариқ-зовурлардан сув ичмаслик керак, чунки бундай сувлар ҳар хил ошқозон-ичак юқумли касалликлари, шу билан бирга ич терлама касаллиги қўзғатувчисининг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ётоқхоналарда қайнатилган ичимлик суви ёки чой ташкил қилиш, дала-ўқув машғулотлари даврида эса чой қайнатиш пунктларини ташкил қилиш, ҳар бир аскарнинг шахсий сувдони бўлиши ва заруриятга қараб унда қайнатилган сув ёки чой олиб юриши талаб этилади.

Ушбу тавсияларга риоя қилиш нафақат қорин тифи, балки бошқа юқумли ичак касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади.

Тиббий хизмат капитани Т. ЭШҚОБИЛОВ.

МАҲОРАТ

Дала-ўқув машғулотларида

ЖИПСЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК – ИЛҒОРЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ ишончини оқлаш, фаровонлигини таъминлашдек шарафга муяссар бўлиш ҳар бир эр йигит учун ғурур ва ифтихордир. Буни яхши англаган юрт ҳимоячилари ўз бурчларини сидқидилдан бажариб, сарҳадларимизда ҳамиша шай ва сергак туриб, вазифаларини виждонан ўташмоқда.

Дарҳақиқат, сарҳадларимизни ҳимоя қилиш посбондан катта масъулият, малака ва билим ҳамда ўта сезгирликни талаб қилади. Шу боисдан ҳам айни кунларда қисм ва бўлинмаларда ўтказилаётган дала-ўқув машғулотларида ҳарбий хизматчилар фаол иштирок этишиб, соҳалари бўйича янада кўпроқ билим олишга, малакаларини оширишга интилишмоқда.

… Қисмда ўқув тревогаси янгради. Шахсий таркиб зудлик билан сафар қоплари ва ўзларига бириктирилган қурол-аслаҳасини олиб, саф майдонига сафланди. Взвод командирлари қўмондонликдан вазиятни аниқлаб, гуруҳ командирларига тегишли топшириқлар қўйишди. Барча гуруҳлар полигон томон йўл олишди. Ҳаракат давомида посбонлар жанговар позицияни эгаллаш, маскировка, қидирув, ҳужум, ҳимояланиш билан боғлиқ турли машқларни бажаришиб, маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Гуруҳлар белгиланган вақтда полигонга етиб келишиб, тегишли ўқув нуқталарида саф тортишди ҳамда саф кўригига тайёргарлик кўришди. Масъул офицерлар саф кўриги давомида ҳар бир посбоннинг жанговар вазифани бажаришга қанчалар шай эканлигини текширишиб, керакли кўрсатмаларни беришди.

– Янги ўқув йили бошланиши билан ҳар бир посбон ўзига бириктирилган техникани, қурол-аслаҳа ва ўқ-дорини, кундузги ва тунги кузатув асбобларини, алоқа ва оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш воситаларини, тоғ анжомлари ҳамда бошқа жиҳозларни шай қилиб қўйган, – дейди офицер Жаҳонгир Дадажонов. – Бугунги саф кўригида булар яна бир бор текширилиб, камчилик ва нуқсонлар бартараф этилди.

Саф кўригидан сўнг дала-ўқув машғулоти иштирокчиларига офицер Умид Қосимов етакчилигидаги взвод шахсий таркибининг кўргазмали машқлари намойиш этилди. Унда гуруҳнинг жанговар ҳолатдаги ҳаракати, ўқув нуқталарини ташкиллаштириш, қулай жой танлаш, тоғдаги тўсиқлардан ўтиш, қўмондонлик базасини яратиш каби машғулотлар бўйича назарий ва амалий билимлар берилди.

Биринчи ўқув нуқтасида офицер Тоҳир Комилов дала шароитида таъминотни ташкиллаштириш бўйича қилинган ишлар билан таништирди. Унда иссиқ овқат тайёрлаш, озиқ-овқатларни сақлаш омбори, уларни истеъмолга тайёрлаш жойи, идишларни ювиш, ювиниш жойи, дала ҳаммоми ва ҳожатхоналар қандай жойлашиши ва қай ҳолатда тайёрланиши ҳамда маскировка қилиниши ҳақида амалий тарзда кўрсатиб берди.

Иккинчи ўқув нуқтасида офицер Неъмат Маҳмудов қўмондонлик пункти ва ундаги воситалар тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, дам олиш жойи, ҳимояланиш чизиқлари, алоқа маркази, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари ўтиладиган жойларни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш қоидалари ҳам машғулотлар давомида намойиш этилди.

– Бу каби кўргазмали машғулотлар қўшинлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, жипслик ва уюшқоқликни юзага келтиради ҳамда янги-янги билимларни ўрганишда муҳим омил ҳисобланади, – дейди офицер Н.Маҳмудов. – Кўргазмали машғулот юксак савияда ўтказилди, бунда батальон шахсий таркибининг катта меҳнати бор.

Саф кўриги ва кўргазмали машғулотдан сўнг гуруҳлар олдиларига қўйилган жанговар вазифани бажариш учун тегишли йўналиш бўйлаб ҳаракатни бошланди.

…Гуруҳ командири офицер Умрзоқ Рўзиев қўмондонликдан топшириқ олди. Разведка берган маълумотга кўра, тоғли ҳудудда жойланган қишлоқда шартли душман жойлашиб олган ҳамда фуқароларнинг бир қисмини гаровда ушлаб турибди. Унинг гуруҳи қишлоққа сездирмасдан кириши ва гаровдагиларни талафотсиз қутқариб, шартли душманни яксон этиши лозим. Бу вазифанинг қанчалик жиддий ва масъулиятли эканлигини гуруҳ командири ва ҳар бир посбон яхши англайди. Чунки кичкина бир хато ҳам фуқаролар ҳаётига хавф туғдириши мумкин. Шу боис командир гуруҳ посбонлари билан ҳамжиҳатликда қўйилган вазифани аъло даражада бажариш учун пухта тайёргарлик кўрди. Уларга кўп йиллик тажриба ва малакага эга офицер Т. Комилов яқиндан ёрдам бериб, амалий машғулотлар ўтказди ва керакли маслаҳатларни берди.

– Капитан У. Рўзиевнинг жамоаси қисмдаги энг илғор гуруҳлардан бири ҳисобланади, – дейди офицер Т. Комилов. – Гуруҳ командирининг масъулиятлилиги, билимдонлиги ва тажрибаси уларни илғорлар сафига олиб чиққан бўлса, қўл остидаги посбонларнинг уюшқоқлиги ва маҳорати ҳар қандай вазифани юксак савияда бажаришлари учун муҳим омил бўлмоқда. Бугунги дала-ўқув машғулотини ўтказиш мобайнида ҳам гуруҳ шахсий таркибининг бир-бирини тушунган ҳолда, жипслик билан ҳаракат қилиши топшириқнинг аниқ бажарилишини таъминлашга ишончим комил.

Гуруҳ командири харитадан қишлоқ жойлашган ҳудудни топиб, белги қўйди. Қўл остидагиларга яна бир бор вазифа ҳақида қисқача маълумот бериб, тун қоронғусида ҳаракатни бошлади. Гуруҳ мерганлари кичик сержант Ғулом Парпиев ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аббос Пўлатовлар тунги кузатув асбобида атрофни кузатиб, ҳар дақиқада вазият ҳақида командирга ахборот бериб боришди. Белгиланган вақтда қишлоқ яқинига етиб келган гуруҳ кейинги вазифалар тўғрисида келишиб олишди ва топшириқни бажаришга киришишди. Қишлоқ атрофига қўйилган шартли душман соқчилари тезда қуролсизлантирилиб, қишлоққа кириш йўллари очилди. Сездирмасдан қишлоққа кирган гуруҳ посбонлари зудлик билан гаровда ушлаб турилганлар жойини аниқлаб, у ердаги шартли душман соқчиларини қўлга олишди ҳамда гаровдагиларни хавфсиз нуқтага олиб чиқишди. Тонгга яқин гуруҳ шахсий таркиби қишлоқдаги уйга жойлашиб олган шартли душманга қўққисдан ҳужум қилиб, уларни яксон этишди. Жанговар вазифани юксак савияда бажаришда лейтенант Ботир Шарипов, кичик сержантлар – Маъруф Бадалов, Шавкат Бердиев, Баҳром Болтаев, Ҳамроз Нормуродов, Асадулло Даминов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар – Ойбек Сатторов, Шерзод Очилов, Фазлиддин Муҳиддиновлар катта жонбозлик кўрсатишди.


– Бу каби дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳоратининг ошишида, уларнинг жисмонан чиниқишида катта ўрин тутади, – дейди гуруҳ командири офицер У.Рўзиев. – Шу боисдан жанговар тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратиб, посбонларнинг кўпроқ билим ва тажрибага эга бўлишларини инобатга олган ҳолда, машқларни юксак савияда ўтказишга интилаяпмиз. Уларнинг ютуғини сафдошларига намуна қилиб, камчилигини тузатиб бораяпмиз.

Дарҳақиқат, шу кунларда ўтказилаётган дала-ўқув машғулотлари юрт ҳимоячиларининг юксак ҳарбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли ва матонатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим омил бўлмоқда.



Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

МАСТЕРСТВО



Идет боевая учеба

ГРУППА УХОДИТ В ГОРЫ

В эти летние месяцы накал боевой учебы еще более возрастает. Это имеет отношение и к горной, специальной подготовке. Личный состав группы под командованием лейтенанта Ойбека Сулейманова недавно убыл в горы на занятия.

В июльский зной горные вершины манят каждого из нас неким предвкушением прохлады и отдыха. Однако военнослужащие прекрасно понимают, что идут в горы отнюдь не для этого. Да и увесистое обмундирование и специальная экипировка, оружие с боеприпасами не позволяют расслабляться.

Рядовому по контракту Ойбеку Мурадову этот выход особенно важен еще и потому, что дает снайперу прекрасную возможность лучше отработать в горах искусство маскировки. Для снайпера умение надежно спрятаться и терпеливо ждать актуально никак не меньше, чем меткая стрельба.

Группа движется к заданному району, а пулеметчик рядовой по контракту Шухрат Киргизов старается на каждом привале со всей тщательностью обслужить свое оружие.

Действительно, в учебном или реальном бою от безотказной стрельбы пулемета зависит не только победа, но и порой вопрос выживания.

По ходу движения воины отрабатывают и вводные задачи. Специалист-сапер рядовой по контракту Журабек Кадыров получает приказ тихо и незаметно убрать «мину-растяжку», установленную при отходе условного противника. Конечно, мина учебная, но оснований для благодушия не дает. В реальном бою любая оплошность вмиг может обернуться прогремевшим взрывом, гибелью людей и раскрытием группы.

Солнце опускается за горные вершины, а рядовому по контракту Хакиму Курбанову пришла пора отстать от друзей. Снайпер получил приказ замаскироваться на позиции и прикрывать с тыла путь движения группы. Значит, за ночь нельзя сомкнуть глаза, пошевелиться или иначе выдать себя. Это очень суровое испытание, однако, военный профессионал готов к нему.

Одним словом, все эти дни будут до предела наполнены боевой работой, смысл которой заключается в надежной защите мирного труда граждан Узбекистана.

Таков воинский подарок к самому дорогому для каждого жителя нашей страны празднику – годовщине независимости нашей Родины.

НА ДОЛЖНОМ УРОВНЕ

Ежедневно, как и свойственно жизнедеятельности и будням армейских реалий, на танкодромах и стрельбищах войсковых полигонов, в учебных классах и на трудных маршах воины Вооруженных Сил Узбекистана повышают уровень боевой выучки. Оно и понятно, ведь в этом процессе и заключается степень боевой готовности. В частности, среди тех, кто ходит в атаки, штурмует опорные пункты условного противника, покоряет высоты воинского мастерства, напряженно трудятся и воины-разведчики.

Например, высокими результатами отличается и воинский коллектив, где служит младший сержант Акбар Дададжонов. Это подтвердило прошедшее недавно тактическое занятие. Успеху действий воинов-разведчиков способствовала хорошая организация боевой учебы. Здесь занятия традиционно проводятся без послаблений, в обстановке, максимально приближенной боевой.

Проявляется постоянная забота о том, чтобы каждое занятие, особенно в поле, стало настоящим испытанием умения и выучки специалистов, школой боевого мастерства. Стремясь к высокому качеству и эффективности занятий, офицеры воинского коллектива методически и грамотно организуют отработку нормативов, добиваются четкого выполнения упражнений каждым специалистом по всем предметам обучения, вырабатывают у воинов умение и навыки, позволяющие своевременно и бесперебойно выполнять свои функциональные обязанности.

Примеров слаженности и взаимодействия разведчиков можно привести немало. Так, своевременно и четко справились с поставленной в ходе занятий задачей подчиненные офицера Даврона Умарова. По замыслу сценария, воинам-разведчикам предстояло во взаимодействии с другими подразделениями атакой с ходу ворваться в горное ущелье, захватить господствующие высоты и оборонять опорный пункт от возможных контратак условного противника до подхода главных сил.

К предстоящим учебно-боевым действиям воины подготовились тщательно. Техника, оружие и снаряжение – все было готово к бою. Механики-водители боевых машин десанта умело использовали складки местности для скрытной доставки подразделения в распадок ущелья. Однако «противник» все же обнаружил разведчиков, мгновенно обрушив на них массированный огонь из всех видов вооружения. И все же под огнем «противника» разведчики не растерялись. Сориентировавшись в обстановке, младший сержант А. Дададжонов сообщил командиру подразделения координаты огневых точек «противника». Это помогло быстрому и точному подавлению его огневых средств.

Четко, уверенно действовали командир секции младший сержант Ганишер Умаров, механики-водители боевых машин младший сержант Адхам Юнусов и рядовой Тахир Хамраев. Отличился и снайпер – рядовой по контракту Нодир Ибрагимов, который метким огнем уничтожил два пулеметных расчета «противника» и гранатомет. Умело действовали рядовые по контракту Абдували Тошев и Уткир Содиков.

Таким образом, подразделение выполнило поставленную задачу. Оборона указанного участка до ввода в бой главных сил была обеспечена.

Военнослужащие этого дружного воинского коллектива хорошо понимают, что от уровня их специальной подготовки, ответственного и компетентного отношения к делу во многом зависит боеготовность Вооруженных Сил Республики Узбекистан, а поэтому делают все от них зависящее, чтобы поддерживать ее на должном уровне.

Материалы полосы подготовил капитан Хасан МИРЗАЕВ. Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.

ТАРАҚҚИЁТ

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

«Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда», деган эди Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Яхши биламиз, иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда, молиявий инқироз ва унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсирини кўрсатади. Дейлик, дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетиши мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўляпти.

Мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди. Шу ўринда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилингани, мазкур муҳим ҳужжат жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, реал иқтисодиёт корхоналарига ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби чора-тадбирларни амалга оширишда эртанги кунимизни, келажагимизни белгилашда беқиёс аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Буни хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий доиралар вакиллари ҳам кенг таҳлил қилаётгани танлаган йўлимиздан дадил одимлаётганимизни кўрсатади. Хусусан, жорий йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида эълон қилинган 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кенг таҳлил қилинмоқда. Келинг, буни «Жаҳон» ахборот агентлиги тарқатган хабарлар орқали кўриб чиқайлик. Масалан, Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги Ўзбекистонда 2009 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,2 фоизни ташкил этганига эътибор қаратиб, «Иқтисодий ўсиш МДҲ таркибига кирувчи бир неча давлатдагина кузатилган. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми, асосан, саноат ишлаб чиқариши ҳисобига юксалган», деб ёзади.

«ИнфоШОС» ахборот порталида эса шундай хабар тарқатилган: «Глобаллашув шароитида кўринмас иплар билан боғланган дунё иқтисодий инқироз домида бўлишига қарамай, Ўзбекистонда мазкур салбий жараён оқибатларининг нафақат олди олинди, балки барқарор иқтисодий ривожланиш ҳам таъминланмоқда. Бундай ижобий натижага Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган, ислоҳотларни амалга оширишнинг беш тамойилига асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни юритиш ҳамда инқирозга қарши чораларни ўз вақтида қабул қилиш туфайли эришилди».

Хитойнинг «Женьминь Жибао» газетаси Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ҳамда 2009 йилда мамлакат барқарор тараққиётининг энг муҳим устувор йўналишларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини ёзади.

Ўзбекистоннинг Япониядаги фахрий консули Тошио Тоура мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини енгиб ўтишга қаратилган чоралар ҳамда инқироз салбий таъсирининг олдини олиш ва юқори иқтисодий натижаларга эришиш имконини берган Инқирозга қарши чоралар дастурини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Жанубий Корея Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси Ким Гим-мун «Дастурда белгиланган чораларнинг муваффақиятли тарзда ҳаётга татбиқ этилиши ишлаб чиқаришдаги пасайишнинг олдини олибгина қолмай, балки инқироз бўлмаган шароитда ҳам эришиш мушкул бўлган юқори кўрсаткичларни кафолатлади», дейди.

«Кореан Эйр» авиакомпанияси вице президенти Чи Джонгхун дунёда экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нархнинг тушиб кетишига қарамай, Ўзбекистон экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш ва ташқи савдода 1,6 миллиард долларда ошувчи ижобий сальдога эришишга муваффақ бўлганига урғу беради.

Бундайин эътирофлардан ҳам кўриниб турибдики, Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туряпмиз. Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этяпмиз.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ВА КОРХОНАЛАР РИВОЖИ

Мамлакатимизда корхоналарни модернизациялаш ва янги технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омил бўлаётир.

Юртимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий ва мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан соҳаси ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилаётгани ўз самараларини бермоқда. Бу эса корхоналарда ишлаб чиқаришнинг янада кенгайиши ва маҳсулот таннархининг арзонлашишига хизмат қилаётир.

Хомашёдан кимёвий, физик-кимёвий, биотехнология каби услублар ёрдамида маҳсулот олишнинг тежамкор, экологик тоза, юқори самарали технологияларини яратишда Ўзбекистон Фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институтининг ўз ўрни бор. Истиқлол йилларида институтда йигирмадан зиёд юқори самарали технология яратилиб, кимё, қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ, тоғ-металлургия, пахтани қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этилди.

– Инновацион лойиҳалар кўп йиллик изланишлар асосида босқичма-босқич такомиллашиб боради, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институти директори, академик Зокиржон Салимов. – Хомашёнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, лаборатория шароитида кенг қамровли тажриба олиб бориш, яратилган янги технологиянинг аввал йириклаштирилган тажриба қурилмасида, сўнгра саноат миқёсида синовдан ўтказиш ва мавжудлари билан солиштириш шулар жумласидандир.

Илмий изланишлар самарасида қишлоқ хўжалигини юқори сифатли ўғитлар билан таъминлаш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, бойитилмаган Қизилқум фосфоритларини дунё тажрибасида ўхшаши бўлмаган, кам меъёрли нитрат кислотаси билан парчалаш асосида нитрофос олиш технологияси яратилиб, «Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Мазкур технология АҚШ, Германия, Норвегия, Англия, Франция ва Чехия каби мамлакатлардаги турдош технологияларга нисбатан муайян устунликка эга. Чунончи, ушбу технологияда энг паст навли хомашёдан фойдаланиш мумкин ва ишлаш тизими ҳам анча соддалаштирилган. Бу жараёнда энергия тежалишига эришиш билан бирга, тайёр маҳсулотдаги ўсимлик учун зарур тўйимли модда (фосфор) миқдори деярли икки баравар кўпаяди. Сувда эрийдиган кальцийнинг миқдори 15 фоизни ташкил этади. Ҳозир ушбу технологиядан унумли фойдаланаётган «Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамиятида 136,6 минг тонна нитрофос ўғити ишлаб чиқарилди.

Фосфорли ўғитлар орасида энг афзали оддий гранулаланган суперфосфат ҳисобланади. Уни барча хилдаги тупроқда, турли қишлоқ хўжалик экинлари учун кузги шудгорлашда ва озиқлантиришда қўллаш мумкин. Фосфорли ўғит олишни такомиллаштириш учун жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган янги тезкор технология ишлаб чиқилди. Бунда асосий технологик жараён жуда қисқа вақт – 15-20 дақиқа давомида амалга оширилади. Ушбу жараёнда фосфорит таркибидаги фосфор озиқаси ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатга ўтади.

Мазкур технологиянинг ҳозирга қадар қўлланиб келинаётган турдошларидан афзаллиги шундаки, бунда катта энергия талаб қилувчи ва фосфоритни камерада парчалаш, омборхонада етилтириш, қуритиш каби узоқ давом этадиган жараён қисқарган. Технологик тизимнинг кескин қисқариши ҳисобига оддий суперфосфатнинг таннархи 25-30 фоизга арзонлашади. Ушбу технология Навоий Электрокимёзаводида жорий этилгач, 2004 йилдан буён 55,5 минг тонна суперфосфат ўғити ишлаб чиқарилди. Унинг 18,5 минг тоннаси экспорт қилинди.


Институт жамоаси органик ва ноорганик моддалар асосида ўсимликлар ўсишига хизмат қиладиган экологик тоза моддалар яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. «Ҳосил» препарати улардан биридир. Ушбу модда пахта ва донли экинларни барг чиқариш, шоналаш, гуллаш ва мева тугиш даврида қўлланилади ва ўсимлик илдизи ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Гуллаш ва кўсак тугиш жараёни тезлашади, кўсакларнинг тўлиқ очилиши ҳисобига ҳосилдорлик 3-4 центнерга ошади. Мазкур препарат ҳозир истеъмолчилар буюртмасига биноан кенг кўламда ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари давомида қурилиш ашёларига бўлган талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Жумладан, цементга талаб, айниқса, юқори. Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолияти кўп жиҳатдан оҳактош, тупроқ, темир оксиди билан боғлиқ. Юртимизда темир оксидининг захираси йўқлиги боис уни четдан олиб келиш анча қимматга тушади. Институт олимларининг олиб борган изланишлари самарасида ноанъанавий минерализоторлардан фойдаланиб, маҳаллий тоғ жинсларини қўшиш ҳисобига минерал ҳосил бўлиши аниқланди. Тавсия этилаётган ушбу хомашё компоненти «Қувасойцемент» ва «Қизилқумцемент» корхоналарига жорий этилди.

Эришилаётган бундай ютуқлар институт жамоасини янгидан-янги изланишлар сари илҳомлантирмоқда. Улар томонидан жорий йилда бир қанча юқори самарали технологиялар саноат корхоналарида синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий этиш учун тайёрланди. Юқори самарали ва кам захирали «ЎзДЭФ» дефолнантини олиш, иссиқлик электр станциялари чиқиндилари асосида қурилиш материаллари олиш технологиялари шулар жумласидандир. Мазкур инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин. Масалан, Ангрен иссиқлик электр станциясида ишлатилган ёқилғи кулидан йил давомида 500 тонна цемент ишлаб чиқариш орқали 17,5 миллиард сўмлик иқтисодий самарага эришилади. Газ конденсатидан турли эритувчиларни ажратиб олиш технологиясини «Шўртаннефтгаз» корхонасига жорий этиш эса 1,5 миллиард сўмлик иқтисодий фойда келтиради.

Фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мустаҳкам алоқанинг йўлга қўйилиши, иқтисодиётнинг асосий тармоқларига инновацион технологияларни кенг жорий этиш хомашёни қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи материаллардан кенг фойдаланиш, иссиқлик ва энергия сарфини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.



ЭЪТИРОФ

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ДУНЁ АЛ-ХОРАЗМИЙ АВЛОДЛАРИНИ ТАН ОЛМОҚДА

Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилган 50-Халқаро математиклар олимпиадасида иштирок этган ўзбекистонлик ёш математиклар битта кумуш, иккита бронза ва халқаро олимпиада фахрий дипломи билан тақдирланиб, истиқлолнинг 18 йиллик қутлуғ тўйига муносиб совға ҳозирладилар.



Мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ юртимизда аҳоли умумий саводхонлик даражасини ошириш, ёш авлодни тарбиялаш, ўқув муассасаларида замонавий таълим стандартларини жорий этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004–2009 йилларга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунга келиб, таълим соҳасидаги бундай ислоҳотлар ўз мевасини бера бошлагани танлаган йўлимизнинг нечоғли тўғри ва оқилона бўлганини кўрсатади.

Кейинги йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида ўқувчилар ўртасидаги фан олимпиадаларини ўтказишни такомиллаштириш, ёш авлоднинг замонавий билимларни эгаллашлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, иқтидор эгаларининг қобилиятларини юзага чиқариш, шу тариқа ёшларимизнинг халқаро олимпиадалар ва нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорларида ўсиб келаётган ёш авлоднинг салоҳиятини муносиб баҳолаш, иқтидорли ўқувчиларни кўпайтириш, уларнинг ютуқларини мунтазам рағбатлантириб бориш, Республика ва халқаро миқёсдаги олимпиадалар, танловларда ғолиб чиққан, совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинишини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, дунёда ўзбек деган, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллат борлигини яна бир бор англатган ёшларимиз илм-фан майдонларида ҳам юрт довруғини оламга ёйиш мумкинлигини исботлашди. Шунинг баробарида, ўтмишда яшаб ўтган улуғ аждодларимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Жамшид ал-Коший, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Али Қушчи, Қозизода Румий, Аҳмад ал-Фарғонийларга муносиб авлод бўлишга интилаётганликларини намоён қилишди.

Илк бор 1959 йили Руминиянинг Брашов шаҳрида ўтказилган халқаро математиклар олимпиадасида атиги 7 давлат иштирок этган бўлса, бу йил унда жаҳоннинг 104 мамлакатидан ташриф буюрган 565 нафар иқтидор соҳиблари қатнашди.

Мамлакатимиз ёшлари ушбу олимпиадада 1997 йилдан буён қатнашиб келади. Натижаларнинг йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани, ўқувчиларимиз салоҳиятда ҳеч кимдан кам эмаслиги халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилаётгани кўнглимизни ифтихор ҳиссига тўлдиради.

Ҳамюртларимиз бу йил ўн иккинчи бор нуфузли мусобақада иштирок этишди. Жорий йилдаги натижалар билан қўшиб ҳисоблаганда терма жамоамиз аъзолари ҳаммаси бўлиб 4 та кумуш, 20 та бронза медалларини қўлга киритишган. 19 нафар иштирокчи эса халқаро олимпиада фахрий дипломи билан тақдирланган. Ҳолбуки, Европанинг кўзга кўринган давлатлари бўлмиш Дания (4 та кумуш, 19 бронза, 21 фахрий ёрлиқ), Испания (3 та кумуш, 18 бронза, 33 фахрий ёрлиқ), Португалия (1 та кумуш, 11 бронза, 14 фахрий ёрлиқ), Исландия (1 та кумуш, 9 бронза, 17 фахрий ёрлиқ) терма жамоалари узоқ йиллардан буён мусобақада иштирок этиб келаётганига қарамай, ўзбекистонликлар атиги ўн икки йил мобайнида эришган натижалардан паст кўрсаткични қайд этишган.

Бундан ташқари, вакилларимиз натижалар бўйича Америка қитъасидан Чили (3 та кумуш, 1 бронза, 5 фахрий ёрлиқ), Колумбия (1 та кумуш, 2 бронза, 2 фахрий ёрлиқ), Эквадор (3 бронза, 8 фахрий ёрлиқ), Уругвай (1 бронза, 8 фахрий ёрлиқ) давлатларини, Осиёдан Малайзия (2 та кумуш, 5 бронза, 15 фахрий ёрлиқ), Шри Ланка (8 бронза, 13 фахрий ёрлиқ), Покистон (2 бронза, 2 фахрий ёрлиқ), Қувайт (1 бронза, 1 фахрий ёрлиқ), Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистонини ортда қолдираяпти.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, биз билан деярли бир вақтда мусобақада иштирок этиб келаётган Туркманистон (2 та кумуш, 13 бронза, 13 фахрий ёрлиқ), Тожикистон (1 та кумуш, 4 бронза, 8 фахрий ёрлиқ), Қирғизистон (7 бронза, 26 фахрий ёрлиқ) эришилган натижалар бўйича вакилларимизга ҳавас қиладилар.

– Германия таълим ва фан вазири Аннетте Шаванниг расмий таклифига асосан бу галги нуфузли олимпиадада Ўзбекистон жамоаси ҳам иштирок этди, – дейди биз билан суҳбатда терма жамоа устози Шуҳрат Исмоилов. – Олти нафар ўқувчидан иборат терма жамоамиз жаҳоннинг тараққий этган давлатлари – АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Франция, Россия ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган 565 нафар иқтидорли ўқувчилар билан бўлган беллашувда бўш келишмади. Ўтган йили терма жамоамиз аъзоларининг 4 нафари бронза медали билан, яна икки нафари халқаро олимпиада фахрий дипломи билан тақдирланишган бўлса, бугал битта кумуш, иккита бронза медалига ва энг фаол, умидли иштирокчиларга бериладиган фахрий дипломларга эга бўлдик. Тўғри, 2008 йилги натижалар билан солиштирганда, ютуғимиз сон жиҳатдан камайган, аммо сифат жиҳатдан ўсган. Халқаро олимпиадада нафақат медаль олиш, балки иштирок этишнинг мушкуллиги, топшириқларнинг ўта мураккаблиги инобатга олинса, кўрсаткичларимиз анча яхши экани ойдинлашади. Ишонаманки, ўсиш суръати шу тарзда давом этса, яқин йилларда олтин медалларни ҳам қўлга киритамиз.

Ҳа, чиндан ҳам йилдан-йилга, мусобақадан-мусобақага ўқувчиларимизнинг билимлари бойиб, маҳоратлари сайқал топиб бораётир. Хусусан, ўтган йили Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-Халқаро математиклар олимпиадаси иштирокчилари – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг 2-курс ўқувчиси Диёра Салимова бронза медали билан, Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат 10-синф ўқувчиси Аброр Пирнапасов эса халқаро ташкилий қўмитанинг фахрий дипломи билан тақдирланишган эди. Мана, орадан бир йил ўтиб, терма жамоанинг бу икки аъзоси олдинги натижасини яхшилаб, бир поғонага юқорилашга муваффақ бўлишди. Яъни кумуш (Д. Салимова) ҳамда бронза (А. Пирнапасов) медалларини қўлга киритишди. Эътиборли жиҳати, бу йилги мусобақада қатнашган Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат 10-синф ўқувчиси, бронза медали совриндори Азизхон Назаров, халқаро ташкилий қўмитанинг фахрий дипломи билан тақдирланган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг 2-курс ўқувчиси Иброҳимбек Акрамов, шунингдек, Боёвут қишлоқ-хўжалик касб-ҳунар коллежи 2-курс ўқувчиси Жасурбек Баҳромов келгуси йили Қозоғистонда бўлиб ўтадиган 5-Халқаро олимпиадада кўрсаткичларини яхшилаш, бундан-да юксак натижаларни қўлга киритиш учун ажойиб имкониятга эгадирлар.

– Шу пайтгача терма жамоамизнинг 3 нафари халқаро олимпиаданинг кумуш медалига сазовор бўлган экан, – дейди Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Диёра Салимова. – Менинг ютуғим уларнинг сонини тўрттага етказди. Бундан жуда фахрланаман. Мусобақа юксак савияда ўтди. Энг қувонарлиси, жамоамиз аъзолари сафида мен ҳам совриндорлар қаторидан жой олдим ва Ватаним байроғининг баланд кўтарилишига ўз ҳиссамни қўша олдим.

– Нуфузли мусобақа давомида математиканинг геометрия, алгебра ва сонлар назарияси, комбинаторика каби ностандарт характердаги соҳалари бўйича тайёрланган масалаларни ечишга ҳаракат қилдик, – дейди мусобақа таассуротларини баён қилар экан, бронза медали эгаси Аброр Пирнапасов. – Устозларимиз билан йиллар давомида шуғулланганимиз, интернетдан фойдаланиб, олимпиада материаллари билан танишганимиз ютуқларимиз гарови бўлди. Мусобақага боргунча ўтган йилги натижаларни таҳлил қилдик, масала ечишнинг эса бир неча йўлларини ўргандик ва бу меҳнатларимиз бесамар кетмади.

– Гарчи 10-синф ўқувчиси бўлсам-да, жаҳон миқёсида юксак савияга эга бўлган халқаро олимпиадада иштирок этдим ва бронза медалини қўлга киритдим, –дейди Азизхон Назаров. – Ютуққа эришишимда мактабимиз директори Тўхтамурод Жумаев бошчилигидаги аҳил жамоанинг ҳамда терма жамоа устозлари – Отамурод Қўчқоров, Бахтиёр Дониёров, Шуҳрат Исмоиловларнинг хизматлари катта. Келгуси йилда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобақада ҳам иштирок этаман. Умид қиламанки, қўлга киритиладиган натижалар бундан-да юксак бўлади.

Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Истиқболдан ёруғ орзуларни тилаган истиқлол тенгдошларининг ниятлари ушалишини тилаб қоламиз. Ишонамизки, вакилларимиз тез орада шода-шода олтин медалларни қўлга киритиб, буюк аждодларига муносиб авлод эканликларини исботлагайлар.

Абдуллоҳ НИЁЗОВ.

МУҲТАШАМ ИЛМ МАСКАНЛАРИ

18

ТАЪРИФИНГ УЛУҒДИР, ЖАМОЛИНГ КЎРКАМ,
ҲАР ГЎШАНГ ФАЙЗЛИДИР, ОБОД, МУҲТАШАМ.








ТОШКЕНТ–2200

ВАТАНИМНИНГ ЮРАГИ

Асрларнинг минг турли чиғириғидан омон келаётган кўҳна кент! Кўксида бешафқат ўтмишнинг асорати бўлмиш сонсиз жароҳатлар. Аммо булар унинг суврату сийратига асло дахл қилолмайди. Гарчи асрлар мобайнида у неча-неча босқин, талотўпларга учрамасин, қанчадан-қанча мустабидлар найзасидан "бағри" тилка-пора бўлмасин, ор-номусини йўқотмади, ўзлигидан айро тушмади. Аксинча, ҳақиқатнинг мангу тимсоли, миллат жасорати, аждодлар қудратининг рамзи сифатида авлодларни доимо уйғоқликка, ибратга чорлаб келмоқда.



КЎҲНА ТАРИХ ШОДАСИДА...

– Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалги II аср ва милодий V асрларга мансуб Хитой манбаларида учрайди, – дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти докторанти Файбулла Бобоёров. – Шаҳарнинг узоқ ўтмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда хилма-хил, узуқ-юлуқ тарзда акс этган. Кўплаб манбаларда шаҳарнинг қадимги номи Чоч бўлганлиги хусусида айтилади. Араблар истилосидан сўнг Чоч – Шош тарзида юритила бошлайди. Илк ўрта асрларда уни шунингдек, "Шошкент", "Мадинат аш-Шош", "Бинкат", "Таркан" каби номлар билан ҳам аташган.

Тарихчи-географ Истаҳрийнинг "Китоб ал-масолик вал мамолик" ("Йўллар ва мамлакатлар тўғрисидаги китоб") асарида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилади. X асрга мансуб "Ҳудуд ул-олам" ("Оламларнинг чегаралари") китоби эса бу маълумотни янада тўлдиради: "Чоч бу катта вилоят, халқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айни пайтда подшонинг қароргоҳидир".

Тошкент ҳақидаги қимматли маълумотларни шунингдек, Фирдавсий, Беруний, Хоразмий, Табарий, Қошғарий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам учратиш мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, шаҳримиз тарихи ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳудуддаги кўплаб харобалар, оқтепалар, истеҳкомлар, қўрғонлар келажакда тўлиқ тадқиқ этилиб, бу масалага узил-кесил нуқта қўйилади, албатта. Ҳозирга қадар олимларимиз томонидан олиб борилган изланишлар, археологик қидирувлар, топилган осори атиқалар, маданий бойликлар, ашёлар Тошкент тарихининг 2200 йилга бориб тақалишини тасдиқлайди.

Собит акани Шайхонтоҳур туманида кўпчилик яхши танийди. Узоқ йиллардан буён маориф тизимида фаолият юритган бу инсонни туман аҳолисининг аксарияти ўзига устоз деб билади. Оз эмас, кўп эмас, қирқ беш йил мактабда тарих фанидан дарс берган Собит ака ҳозир нафақада кексалик гаштини сураётир. Ҳали анчайин тетик, бардам отахон ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг қалбида аждодларимиз қолдирган бой маънавий-маърифий меросга ҳурмат, қизиқиш уйғотиш каби эзгу ишлардан чарчамайди. Қачон қараманг, у кишини болалар даврасида учратишимиз ҳам шундан.

– Болаларни жуда яхши кўраман, – дейди лавҳамиз қаҳрамони биз билан суҳбатда. – Чунки бу ёшда инсоннинг онги тиниқ, шуури тоза бўлади. Болаликда эшитилган ҳар қандай ҳикоя, қисса, олинган билим хотирада бир умрга муҳрланиб қолади. Шу боис келажагимиз давомчилари билан кўпроқ суҳбатлашишга, билганларимни уларнинг қизиқишларига мослаб эртак ёхуд ҳикоя тарзида сўзлаб беришга ҳаракат қиламан.

Ҳозирги болаларга, ёшларга, рости, ҳавасим келади. Қаранг, қандай ҳур, дориломон замонда яшашмоқда улар! Ўқишлари, қизиққан соҳаси бўйича мукаммал билим олишлари, хорижий тилларни пухта ўзлаштиришлари, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган малакали кадр бўлиб шаклланишлари учун барча шароитлар мужассам. Нолиш деманг, биз таҳсил олган даврларда бундай имкониятларнинг ўндан бири ҳам йўқ эди. Олий ўқув юртида ҳам она Ватанимиз тарихини эмас, аллақандай мафкуралар, партия тарихини ўрганишга мажбур эдик. Ўзбекистон тарихига жуда кам соат ажратилиб, унда ҳам ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган, ёлғон-яшиқ маълумотлар билан тўлган маърузалар ўқилар эди. Ҳатто тарихчиликни танлаганимдан пушаймон қилган кунларим ҳам бўлган. "Ёлғончилиги рўйрост кўриниб турганларга қарата оғиз очиб бир сўз айтолмасак, миллатимиз тарихи, аждодларимиз меросини тадқиқ этолмасак, азалий ҳақиқатни қарор топтира олмасак, мутахассисман, деб кўкракка уришдан нима фойда?!" деган ўй менга сира тинчлик бермасди.

Собит аканинг куйинганича бор. Сабаби, болалигида отаси ва бобосидан юртимизнинг ниҳоятда бой тарихга эга экани, миллий давлатчилик анъаналари узоқ асрларга бориб тақалиши, инсоният тарихининг дастлабки босқичлариданоқ мамлакатимиз ҳудуди йирик тамаддун ўчоқларидан бири бўлганлиги, хусусан, Тошкентнинг ўтмишда гуллаб-яшнаган, ҳар томонлама тараққий этган қалъа, қўрғон, шаҳар, ҳатто мустақил давлат сифатида кўплаб манбаларда тилга олинганлиги тўғрисида кўп эшитган ўғлон мустабид тузум "ҳайбаракаллачи"ларининг сабоқларини сира ҳазм қилолмасди. "Майли, отам, бобом янглишган ҳам дейлик, наҳотки, Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон", "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарларида келтирилган маълумотлар ҳам нотўғри бўлса?! Мазкур манбалар Тошкентнинг, Ўзбекистоннинг жуда узоқ тарихга эга эканлигини тасдиқлайди-ку!"

Шижоатли ўғлон ҳақсизликка чидай олмайди. Дарслардан бирида ўқитувчи билан тортишади, ўз фикрини далиллар билан исботлаб беришга муваффақ бўлади. Кечагина ўзининг ҳақлигига заррача шубҳа қилмай, бошқаларга ҳам буни уқтириб келаётган устоз шогирдлар олдида мулзам бўлади. Қизғин тортишув, мунозара ҳақидаги ган-сўзлар тилдан-тилга ўтиб, юқоригача етиб боради. Табиийки, собиқ тузум бундай "ақлли"ларни ёқтирмас, уларнинг изини қуритиш пайида бўларди. Талаба йигит қийин-қистовга олинади, уни мафкуравий бузғунчиликда айблашади, талабалар сафидан четлаштиришади. Фақат олижаноб, илмпарвар устозлар орага тушгач, Собит университетда таҳсилни якунлашга муваффақ бўлади.

– Машойихлар: "Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо ҳеч қачон синмайди", деб бежиз айтишмаган, – дейди отахон. – Мана, истиқлол сабаб тарихий ҳақиқатлар тикланди, қайта кўз очди. Юрт тарихини ўрганиш, миллий анъаналаримиз, қадриятларимизни, аждодларимиз қолдирган улкан маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш, уларга ҳурмат бажо келтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Қисқа давр ичида амалга оширилган ишларни кўриб, кўз қувнайди, қалб роҳатланади. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тарихий хотирасиз келажакни барпо этиш мумкин эмас.

Ҳа, тарих, миллий ўзлик тушунчаларини истиқлолдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки айнан ҳурлик сабаб асрий ҳақиқатларни англашга, ўз ўтмишимиз билан фахрланишга муяссар бўлдик. Бир умр ўзининг улуғ аждодлар авлоди, буюк ўтмишга эга халқнинг фарзанди эканини таъкидлаб келган, турли тазйиқларга қарамай ўз сўзида собит турган Собит отага ҳавасимиз келди. Қувонарлиси, отахоннинг истиқлолга тенгдош набираси Мансурбек ҳам бобоси йўлидан боришга аҳд қилибди. От ўрнини той босар, дейди халқимиз. Ажабмас, у келгусида аждодларга муносиб авлод бўлиб етишса.

БУНЁДКОР ЭЛ – БУ!

Турғун ота пойтахтнинг "Бирлик" даҳасида истиқомат қилади. Етмишни қоралаган пиру бадавлат отахон – бугун нафақат фарзандлари, невараларининг, балки бутун маҳалла-кўй, элнинг ардоғида. Узоқ йиллар қурилиш соҳасида фаолият кўрсатган қўли гул бу инсон маҳалласининг ободлигига каттагина ҳисса қўшганлардан. Бугун қад ростлаб турган бири-биридан муҳташам иморатларда унинг ҳам қўл излари бор. Ҳар гал бу хусусда ўйлаганда, отахоннинг кўнгли фахру ғурурга тўлади.

– Касбим билан ниҳоятда фахрланаман, – дейди кекса бинокор биз билан суҳбатда. – Эл корига яраш, Ватан ободлигига ҳисса қўшишдан ортиқ бахт бўлмаса керак, дунёда. Барпо этилган иморатлар билан бирга унинг меъморлари, бунёдкорлари ҳам мангу яшайди. Аждодларимиз барпо этган ва бизнинг давримизга қадар етиб келган қатор меъморий обидалар, тарихий иншоотлар қалбларни ҳайратлантиради, халқнинг буюк яратувчанлик кучидан ўрнак олишга ундайди. Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурнинг "Кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!" деган ҳикматларидан ҳам шу маънони уқаман.

1966 йилнинг 26 апрели. Тарихга Тошкент зилзиласи бўлиб ўтган машъум кун сифатида кирган бу сана барчамизнинг ёдимизда. Зилзила натижасида 2 млн. кв.метрдан ортиқ турар жой, 236 маъмурий бино, 700 га яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари, 26 коммунал хўжалик корхонаси, қарийб 180 ўқув юрти, 185 та тиббий муассаса, 245 та саноат корхонаси бинолари зарар кўрди. 78 минг оила, умумий ҳисобда уч юз минг киши бошпанасидан, доимий турар жойидан жудо бўлди.

Турғун ота ўша пайтларда йигирма етти ёшдаги авжи кучга тўлган йигит эди. Зилзилагача Шайхонтоҳурнинг "Дегрез" маҳалласида истиқомат қилган оилалар хавфдан холи ҳудуд сифатида "Бирлик" даҳасига кўчирилади. Уларнинг орасида Мажидовлар оиласи ҳам бор эди. Лавҳамиз қаҳрамони бу йилларни шундай хотирлайди:

– Зилзиладан сўнг талафот кўрган оилаларга уй-жой қуришлари учун ер майдонлари ажратилган бўлса-да, ҳукумат қурилиш моллари, зарур хомашё етказиб беришга ожиз эди. Аммо халқ арзу дод қилиб ўтиргани йўқ. Ҳамма қўлидан келганича бошпанасини тиклашга, бир тану бир жон бўлиб ишлашга киришиб кетди. Ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик, аҳилликнинг нималарга қодир эканини ўша пайтлари чуқур англаганман. Хомашёларни эски ҳовлимиздан келтирдик. Гишт қуйдик, том ёпдик. Ўша пайтлари қўлимиз-қўлимизга тегмасди. Бугун бировнинг иморатини битирсак, эртага бошқасиникини. Шу тахлит уй-жойни ҳам қуриб олдик. Қисқа вақт ичида шаҳримиз, маҳаллаларимиз илгаригидан ҳам кўркамроқ, ободроқ кўриниш касб этди. Таъбир денг, илгариги қўшнилар, маҳалладошлар бир ерга жойлашдик. Бу ҳам маълум маънода қийинчилик даврида одамга руҳий далда бўлди, албатта.

Ҳозир ўша давр хотиралари ҳақида невараларимга айтсам, улар буни эртакдек қабул қилишади, иморатимиз биттунча катта бир оила бир йил ертўлада истиқомат қилганимизга-ку ҳеч ишонгилари келмайди. Илоҳим, уларнинг бошига биз кўрган қийинчиликлар, кўргиликлар тушмасин! Озод ва обод юртнинг болалари гам-ташвишсиз улғайишсин!

Ўзбек халқи – бунёдкор эл. Йўқдан бор қилиш, яратувчанлик, меҳнатсеварлик миллатимизга хос хислатлардан. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳамиша "Бизнинг энг катта бойлигимиз бунёдкор халқимиздир", деб таъкидлайдилар. Яна йигирма-ўттиз йиллардан сўнг шаҳримиз бугундан-да кўркам қиёфа касб этишига, жаҳоннинг тараққий этган масканлари сафидан жой олишига, халқимизга хос яратувчанлик маҳсули сифатида қалбларга фахр бахш этиб туришига ич-ичимдан ишонаман.

ОҚШОМЛАРИ БИРАМ ГЎЗАЛ ШАҲРИМНИНГ

Ҳеч пойтахтни оқшом пайти кезганмисиз? Йўқ?! Унда оламга татирлик гўзалликдан, илоҳий тажаллидан бебаҳра қолибсиз. Ҳар гал оқшом чоғи баланд иморат устига чиқиб, шаҳар манзарасини томоша қилар эканман, фикрим тиниқланади, кайфиятим кўтарилади, руҳимда енгилликни туяман. Зулмат қўйнини оташ тиллари билан ёриб турган минглаб чироқлар ёғдусида Тошкент янада гўзалланган. Сокинликка чўмган кент – қалбга осойишталик, хотиржамлик бахш этади.

Узоқда Хўжа Аҳрор жоме масжиди, ундан қуйироқда Қаффол Шоший мадрасаси ва Хастимом меъморий мажмуаси, сал ўнгроқда Шайх Хованди Тоҳур мақбараси... Улуғворликка қоришган бу муҳташам иморатлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонликнинг, халқимизга хос яратувчанлик кучининг тимсоли сифатида кўринади, менинг кўзимга. Алломайи замонлар, уламойи фуқаҳолар, олиму фузалолар қўним топган юртда яшаётганимдан ифтихор ҳиссини туяман, қалбимда. Шу онда шуурим тиниқ тафаккурга чоғланади: улуғлар макон тутган юртга ёмонлик келмагай!

Жамшид НИЁЗОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.

АДАБИЁТ

«ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ДРАМАСИНИНГ МУКАММАЛ МАТНИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

Мақсуд Шайхзода қолдирган илмий ва адабий асарлар ичида «Жалолиддин Мангуберди» драмаси алоҳида мавқега эга.

Драма иккинчи жаҳон урушининг энг қизғин палласида ёзилган. Асар бошдан-охир Ватан ҳимоячиларини босқинчиларга қарши аёвсиз курашда матонат ва жасорат кўрсатишга даъват этиш руҳи билан суғорилган.

Уни ўқиган ёки томоша қилган ҳар қандай киши мўғуллар амалга оширган ёвузликларга нисбатан нафрати ортади, уларга қарши курашаётган Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликнинг жасоратига таҳсинлар айтади. Муаллиф асарда, аввало, ўқувчи диққатини мўғулларнинг разилликларига қаратиб, уларни фашист босқинчиларига қиёслайди ва фашистлар ҳам мўғуллар сингари халқ иродасини бука олмаслиги, улар албатта лаънатга учраб, йўқ бўлиб кетиши аниқлигини уқтиради.

Драма нисбатан қисқа муддатда ёзиб тугатилган. Лекин асар билан бевосита танишиш асносида унда ёритилган воқеалар баёни билан боғлиқ саҳналар, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари ва характерини очиб бериш, давр руҳини акс эттириш учун қўлланган сўз ва иборалар, уларнинг сўзлашув услуби бирламчи тарихий ва адабий манбаларга таянган ҳолда матнга киритилганлиги ҳар қандай мутахассиснинг диққатини торта олади. Бу эса муаллифнинг асарни яратиш учун катта тайёргарлик кўрганлигини ва уни яратиш ғоясини узоқ вақт пишитганлигини кўрсатади.

Масалан, Жалолиддин Мангубердига Чол ота тилидан берилган мана бу таъриф:

Халқнинг дўсти, жўралар базмида улфат,
Аммо жангда беомон аждари сарҳафт.

Жалолиддин Мангубердининг ўз қаламига мансуб қуйидаги форсий рубоийнинг мазмунини ўзида акс эттирган:

Дар разм чу оғаниму дар базм чу мум,
Бар дўст муборакиму бар душман шум.
Аз ҳазрати мо баранд инсоф ба Шом,
В-зи ҳайбати мо баранд зуннор ба Рум.

(Мазмуни: Курашда темирдек қаттиқ, базмда мумдек мулойиммиз,
дўстларга шафқатлимиз, душманга бермасмиз омонлик.

Улуғворлигимиздан набилар юрти Шомга диёнат намунасини элтадилар.

Қаҳримиз салобатидан кофирлар эли Румга шафқатсизлигимиз хабарин олиб кетадилар (рубоий таржимаси И.Бекжонники).

Шу билан бирга асар ниҳоясига етгунча қадар бир неча бор таҳрир этилган. Бунга биз шу кунга қадар етиб келган асарнинг қўлёзма нусхаларини ўзаро қиёслаганимизда гувоҳ бўламиз. Ҳозирда драманинг битта муаллиф дастхатига тегишли нусхаси ва учта машинка варианти ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архиви фондида сақланади. Мазкур қўлёзмаларни кўздан кечирганимизда муаллиф асарининг ғоявий-бадиий такомилига эришиш учун парчалар сонини гоҳ кўпайтириб, гоҳ камайтирганлиги, шу билан бирга персонажларнинг сони ҳам турли нусхаларда турлича белгиланганлигини кўрамиз. (Персонажларнинг сони автографда оммавий саҳналарда иштирок этувчилардан ташқари йигирмадан ортиқ бўлса, кейинги нусхаларда ўндан ошади). Баъзан саҳнадаги кўринишлар тасвирини бойитиш учун дастлабки вариантга қўшимчалар киритилган. Айрим пардаларга персонажларнинг чиқишлари бир пардадан иккинчисига кўчирилган, зарур ўринларда қаҳрамонларнинг нутқини кучайтириш, ўша давр руҳини акс эттириш учун бирор сўз, ибораларнинг ўрнига бошқаси қўлланган, бир-икки сатр қўшилган ёки олиб ташланган каби ўзгаришлар борлиги маълум бўлади. Бундай ўзгаришлар айрим ҳолларда юқорида айтганимиздек, муаллифнинг истаги билан амалга оширилган бўлса, баъзилари давр талаби билан юзага келган.

Хусусан, асарнинг муаллиф дастхатига тегишли нусхаси 20,5x28,5 см. ўлчамли идора дафтарда ёзилган. Матн умуман 90 варақка жойлашган. Драма матни Шайхзоданинг ўз қўли билан араб алифбосида кўчирилган нусха. Дафтарнинг муқовадан кейинги варағига турли шахсларнинг телефон рақами ва уй манзиллари ёзилган.

Биринчи бетга муаллиф томонидан: «Васият». Мусиқали драма. Бир дебоча бир ва бир хотима билан 4 парда, 7 кўриниш. Шайхзода Мақсуд» сўзлари битилган. Драма матни охирида эса, «1943 йил августи. Нашрияи соний (ноябр). Тошкент-Водил-Тошкент» деган сўзлар битилган. Қўлёзма сўнгидаги қайдлардан ушбу нусха драманинг иккинчи таҳрири эканлиги билинади. Архив фондида асарнинг биринчи таҳририга тегишли қўлёзма мавжуд эмас. Шу боис бу хусусида бирор сўз дейиш мушкул. Шундай бўлса ҳам айтиш мумкинки, драма дастлаб ҳозирда кўпчиликка маълум бўлган «Жалолиддин Мунгуберди» тарзида эмас, балки юқорида қайд этилганидек, «Васият» деб номланган. Унинг кейинги номи муаллиф томонидан навбатдаги ишлаш жараёнида танланган кўринади.

Адибнинг архив фондидаги 193 ҳужжат рақамли қўлёзмаси ҳам эътиборга лойиқ. Унинг кўплаб жойларига муаллиф томонидан тузатишлар киритилган. Масалан: қўлёзманинг биринчи саҳифасида «Мақсуд Шайхзода. Жалолиддин Мангуберди. Тўрт пардали тарихий фожиа. 1944 йил» деган сўзлар ёзилган бўлиб, кейинчалик «тўрт»нинг устига қаламда чизилиб, «беш» ёзилган.

195 ҳужжат рақами остидаги қўлёзманинг эса бир қанча варақлари йўқолган ва мукаммал эмас. Умуман, 69 варақдан иборат (бу нусха ҳам 1944 йилда кўчирилган). Ушбу икки нусхада ҳам драманинг эпилог ва прилог қисмлари тушириб қолдирилган.

Яна учинчи парданинг иккинчи кўринишида Жалолиддиннинг қуйидаги монологи 193, 194 ҳужжат рақамлари остидаги қўлёзмаларда йўқ. 195-а ҳужжат рақами остидаги қўлёзмада мавжуд бўлса ҳам у қаламда белгиланган ва ҳошияда: «Шу монологни муаллифнинг ўзи нашр вариантида тушириб қолдирган», деган ёзув бор:

ЖАЛОЛИДДИН

(Ёлғиз)

Ҳа, фалакнинг минг турли кирдикори бор.
У гоҳ бизга жафокаш, гоҳо дастиёр.
Валиаҳдлик тожимни отам олганди,
Шоҳлик тожин келтирур қиличим энди.
Омад билан ирода бўлса гар шерик,
Саркарданинг ишлари албатта йирик.
Оҳ... ғалаба отининг жиловларини,
Қўлга олиб маҳв этсам юрт ёвларини.
Туркистонда қурайин ўйла бир давлат:
Пуразамат, боқудрат, бутун, серсавлат.
Бир давлатки, тахтнинг остонасини
Яламоққа келгайлар ҳоқони-Чиний.
Подшоҳлар ер ўпиб Румдан Ширвондан,
Қулим бўлгай амирлар Шомдан, Эрондан.
Тиз чўкиб бож туткайлар ҳинду, фаранги,
Қасримга соқчим бўлгай халқагўш занги.
Бир давлатки, Хоразм номидай катта,
Кирмагандур отамнинг тушига ҳатто!
Бир давлатки...

Драма адибнинг ўтган асрнинг 80-йилларда нашр қилинган «Дунё боқий» сайланмаси, шунингдек «Ёшлик» журналининг 1987 йил 6-7-сонларида эълон қилинди. Лекин улар ҳам муаллиф дастхатларига қиёсан нашр қилинмаганлиги боис мукаммал матнга эга эмас. Уларда ҳам юқоридаги сингари камчиликлар учрайди.

Умуман олганда, ҳозирга қадар асар қўлёзмалари ўзаро қиёсланган ҳолда нашр қилинмаган. Биз олиб борган тадқиқотлар натижасига кўра, драма прилог, беш парда ва эпилогдан (1-3 пардалар 2 кўринишдан бўлса, 4-5 пардалар бир кўринишдан) иборат эканлиги аниқланди. Бунинг учун асосан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги Шайхзода архиви ҳамда «Дунё боқий» сайланмаси ва «Ёшлик» журналларида эълон қилинган вариантлар ўзаро қиёсланиб, матний фарқлар борлиги аниқланди. Бу мазкур нусхалар асосида драманинг мукаммал матни юзага келади, дегани эмас, албатта. Ҳозирда тадқиқот асосида тайёрланган матнимизда ҳам вазн, қофия каби айрим сакталиклар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Мақсуд Шайхзоданинг ўзбек халқи маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган «Жалолиддин Мангуберди» драмасининг бошқа қўлёзма нусхалари ҳам келгусида топилади ва улар асосида асарнинг тўлақонли вариантини тиклаш имконияти юзага келади, деб ўйлаймиз. Қолаверса, бундай изланишлар натижасида адиб ижодий тажрибасини кузатиш мумкин бўлади.

Жалолиддин ЖЎРАЕВ,
филология фанлари номзоди,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими.

Туҳфа

АСКАРЛИГИНГ МУБОРАК

Эгнингда кўркам либос,
Нигоҳинг мардларга хос,
Шиорингдир «Олға бос!»
Аскарлигинг муборак.

Ватан мадҳини куйлаб,
Элнинг тинчини ўйлаб,
Турарсан сарҳад бўйлаб,
Посбонлигинг муборак.

Омон бўлсин бу бошинг,
Метин бўлсин бардошинг,
Мардлар эрур сафдошинг,
Аскарлигинг муборак.

Сен аҳди бир, мард ўғлон,
Она юртга чўнг қалқон,
Душманлар қолмас омон,
Шахд-шиддатинг муборак.

Подполковник Нуриддин ОБРЎЕВ.

ҚАСАМЁД

Она Ватанимга айладим қасам,
Яқин йўлатмайман, юртимга ёвни,
Ёмон кўз ташлаган ҳар қандай ғаним,
Сўндира олмайди жўшқин оловни.

Аждодлар руҳига айладим қасам,
Ҳеч кимга бермайман азиз тупроқни,
Юртимнинг ишонган қалқони бўлиб,
Авайлаб асрайман қутлуғ даргоҳни.

Йигитлик шаънига айладим қасам,
Ҳарбий низомларга амал қиламан,
Халқимга садоқат, муҳаббат билан,
Хизмат қилмоқни шараф биламан.

ФАХР

Саҳардан очилган ҳар остонага,
Кўкдан фаришталар тушади меҳмон.
Қуёшга тик боқиб турибди ҳамон.
Отамнинг кифтида кексайган кетмон...

Ул зот олисларни қилмади ҳавас,
Кафтдек қишлоғим бор, далам бор, деди,
Олисдан армонлар берганида сас.
Эл учун улғайган болам бор, деди.

Онамнинг бошида тўкди оҳорин.
Гулларнинг расми бор чиройли рўмол.
Майса ундирай деб кутди баҳорин,
Алласига интиқ кўкдаги ҳилол.

Ул зот умр кўрди пахталар териб,
Ҳатто ипак қуртга меҳрини бериб,
Қишлоқнинг тупроғи жонидек азиз,
Далалари, дони, нонидек азиз.

Қишлоқ, ҳовучингда улғаяди бахт,
Болаларинг султон, ўзингдирсан тахт.
Пойдеворинг метин, синчларинг сабр,
Сенда ҳар мавжудлик топади қадр.

Оддий аскар Фурқат НУРИДДИНОВ.

ИСМИНГИЗ ЮРАГИМ, СЎЗИМДА МАНГУ

Йўқ, мени тошларга тенгламанг,
Тупларга тенглашиб йиғламанг.
Термулиб жонимни тиғламанг,
Мен сизни абадий севаман.

Йилларнинг тортиғи ҳижрондир,
Ҳижрининг тортиғи армондир.
Сизсизлик азобдир, ёмондир,
Мен сизни абадий севаман.

Юзингизнинг тафти юзимда мангу,
Бир жуфт оташ шигоҳ кўзимда мангу.
Исмингиз юрагим, сўзимда мангу,
Мен сизни абадий севаман...

ИЛК СЕВГИ

Бошимда оқ булут сояси,
Қошимда қисматнинг қояси,
Ҳар лаҳза армоннинг дояси,
Илк севги сен шундай аламсан.

Юздаги ажинлар асли ҳеч,
Минг йилда битмаган ярамсан.
Висол-у бахт учун асли кеч,
Илк севги сен шундай аламсан.

Тилимда топилдинг, дилда ўчмадинг,
Жондан ўзга жонга мудом кўчмадинг.
Нечун фурсатларнинг йўлин тўсмадинг,
Илк севги сен шундай аламсан.

Армоннинг ўқлари тенгянги,
Вақт бигдан ноғизо кечянги.
Умрлар бесамар кетянги,
Илк севги бунчалар аламсан.


Шоҳиста ТОЛИПОВА.

СПОРТ

«Лондон–2012» умидлари

РИШОД СОБИРОВ ДУНЁДА БИРИНЧИ

Халқаро дзюдо федерацияси эълон қилган дунёнинг энг кучли полвонлари рейтинг таснифида спортчимиз Ришод Собиров 392 балл билан 60 килограмм вазнлилар тоифасида биринчи ўринни эгаллаб турибди.



Лейтенант Ришод СОБИРОВ. 1986 йилда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи. Дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси. 2006 йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати ғолиби. 2007 йилги ҳарбий хизматчилар ўртасидаги IV Умумармия ўйинлари ва 2008 йилги Пекин Олимпиадасининг бронза медали соҳиби.

Сўнгги йилларда деярли ҳар бир спорт тури бўйича спортчилар ва жамоаларнинг дунё миқёсидаги рейтинг таснифини эълон қилиш анъанага айланди. Зеро рейтинг мухлисларнинг эътиборини муайян спорт турига қаратиш билан бирга шу спорт тури бўйича навбатдаги мусобақаларга бўлган қизиқишини ҳам орттиради ҳамда турнирнинг нуфузини оширади. Бу ўз навбатида шу спорт турининг дунё миқёсида оммавийлашуви ва ривожланишига олиб келади. Профессионал бокс, теннис ва бошқа шу каби бир қатор спорт турларида рейтинг таснифи спортчи ёки жамоанинг навбатдаги ёхуд муайян бир мусобақадаги рақибини аниқлаш мақсадлари учун ҳам хизмат қилади. Рейтинг таснифини тузишда аввало жамоалар ёки спортчиларнинг муайян даврдаги (ярим йиллик, йиллик, беш йиллик ва ҳоказо) натижалари сарҳисоб қилинади. Халқаро дзюдо федерациясининг рейтинг таснифида спортчиларнинг аввалги йиллардаги ва асосан 2009 йилги натижалари ҳисобга олинган. Дзюдочимиз Ришод Собировнинг рейтингда биринчи поғонага кўтарилишида шу йилнинг февраль ойида Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган «Катта шлем» туркумига кирувчи халқаро мусобақанинг навбатдаги босқичида ғолиб чиқиши муҳим роль ўйнади. Финалда у дунёнинг кучли дзюдочиларидан бири – кубалик Пикер Ясманни мағлуб этди. Ярим финалда айнан бизнинг дзюдочимиздан мағлуб бўлган голландиялик Мурен Жерон ҳам бугунги кунда 392 баллга эга ва у халқаро дзюдо федерациясининг рейтинг таснифида Р. Собиров билан бирга биринчи ўринни ўзаро баҳам кўриб турибди. Улардан қайси бири рейтинг таснифида якка ҳолда ажралиб чиқишини вақт, аниқроғи навбатдаги халқаро мусобақалардаги қатнашув натижалари кўрсатади.

Ришод Собиров 1986 йилда Бухоро вилоятининг Жондор туманида таваллуд топган. 11 ёшидан мураббий Рустам Тўраев қўл остида дзюдо билан шуғуллана бошлаган. Бугунги кунда у халқаро мусобақаларга катта малакага эга мураббийлар – Фурқат Солиев ва Борис Григорьев қўл остида тайёрланади.

Р. Собиров халқаро майдондаги биринчи муваффақиятига 2006 йили эришган. У Хитой Тайпейида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида ғолиб чиққан эди. Орадан бир йил ўтгач ёш спортчимиз катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида қатнашиб, кумуш медални қўлга киритди. Ўша йили ўтказилган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги IV Умумармия ўйинларида эса бронза медалга сазовор бўлди.

2008 йил Ришод Собиров учун янада омадли бўлди. У аввало Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиқди ва олимпия меъёрларини бажариб, Пекин Олимпиадасига борувчи терма жамоамиз сафига қўшилди. XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида у 60 кг. вазнлилар ўртасидаги дзюдо беллашувларида учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамиз ҳисобига илк бронза медалини келтирганлигини спортсеварларимиз ҳали унутганича йўқ. Вакилимиз Олимпиада ўйинларида Марокаш, Чехия, Эрон, Канада, Франция полвонларини мағлуб этди.

Лейтенант Ришод Собировнинг 2009 йилги натижалари ҳам ёмон эмас. У дастлаб Германияда, «Катта шлем» туркумига кирувчи халқаро мусобақанинг навбатдаги босқичида ғолиб чиқди. Сўнг Осиё чемпионатида бронза медалини қўлга киритди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 60 кг. вазнлилар тоифасида осиёлик полвонлар дунё миқёсида кучли саналади. Зеро Пекин Олимпиадасида ҳам бу вазн тоифасида айнан осиёликлар ғолиб чиққанди, аниқроғи ҳамюртимиздан устун келган кореялик Мин Хо Цой олимпия чемпиони бўлганди. Ҳамюртимиз 2009 йилги халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётгани боис Халқаро дзюдо федерациясининг рейтинг таснифида Жанубий Корея вакилини ортда қолдириб кетди. Лейтенант Ришод Собировга келгуси мусобақаларда ҳам муваффақият тилаб, юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишини, Ўзбекистон номини биринчи поғонада ушлаб туришини тилаймиз.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Соревнования по пулевой стрельбе

ОТОБРАНЫ КАНДИДАТЫ В СБОРНУЮ

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан «О подготовке спортсменов Республики Узбекистан к участию в XXX летних Олимпийских играх 2012 года в г. Лондоне (Великобритания)» были организованы отборочные соревнования в войсках Министерства обороны.

С 27 по 31 июля на войсковом стрельбище ТВО прошел третий этап данных соревнований. Ему предшествовали два предварительных этапа – в масштабе воинских частей, в военных округах и им равных подразделениях. Победители второго этапа представляли сборные команды округов и ВВОУ на завершающем этапе.

Основными целями и задачами данных соревнований стали широкая пропаганда стрелкового спорта, как важного средства воинского обучения и воспитания, дальнейшее развитие этого вида спорта в войсках МО РУ, а также отбор кандидатов для комплектования сборной команды Узбекистана по пулевой стрельбе.

В ходе напряженной спортивной борьбы были определены победители и призеры третьего этапа соревнований. Так в стрельбе из пистолета при выполнении упражнения ПМ-1 золотую медаль завоевал рядовой по контракту Равшан Маткаримов, набрав 820 очков.

Серебряная медаль в этом виде в активе старшего преподавателя ТВОКУ майора Жахонгира Шакирова (780 очков), а бронзовая медаль по праву досталась представителю Восточного военного округа капитану Отабеку Шерматову (780 очков). Равенство очков у второго и третьего призеров говорит о высочайшем накале борьбы за медали.

Свыше двадцати стрелков спорили за победу в упражнении АК-1 из автомата Калашникова. Здесь победу праздновал рядовой по контракту Бахром Имамкулов, набравший 1120 очков. Серебряная медаль завоевана фельдшером войсковой части из ТВО младшим сержантом Бекжаном Исаковым (1080 очков). Как видим, представители самой гуманной профессии и в меткости ведения огня могут подать прекрасный пример своим товарищам по оружию.

Примечательно и то, что бронзовую награду в этом виде завоевал курсант Ташкентского высшего общевойскового командного училища (ТВОКУ) Отабек Хамраев с суммой в 1020 очков. Будущему командиру мотострелкового подразделения этот опыт участия в состязании поможет успешно готовить подчиненных к уверенному владению стрелковым оружием.

В общекомандном зачете с наилучшей суммой очков победили стрелки Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища (ЧВТКИУ), второе место заняли представители Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ) и третье место – команда Восточного военного округа.

Несмотря на то, что указанные выше виды оружия не входят в олимпийскую программу по пулевой стрельбе, данные соревнования стали ценны самим процессом отбора кандидатов для привлечения в состав сборной команды Узбекистана по пулевой стрельбе, уверенно владеющих оружием. А обучить за оставшееся до Олимпиады время стрельбе из олимпийских видов оружия совсем несложно. И тогда этим кандидатам будет вполне по плечу задача завоевать олимпийские лицензии.

Майор Шопулат ТУРДИЕВ.

ҚАЙДНОМА

ШАШКА. Қозоғистонда 64 катакли шашка бўйича катталар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик шашкачилар 9 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида катталар ўртасида биринчи, ўсмирлар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Энди ўсмирлар терма жамоамиз 22 августда Польшада ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

ШАХМАТ. Испаниянинг Ситжес шаҳрида ўтказилган "Vila de Sitges" халқаро турнирида жаҳоннинг 160 нафардан ортиқ шахматчиси иштирок этди. Унда қатнашган халқаро гроссмейстеримиз Алексей Барсов тўққиз имкониятдан олти ярим очко жамғариб, кучлилар сафидан ўрин олди.

ДЗЮДО. АҚШнинг Колорадо-Спрингс шаҳрида имконияти чекланган спортчилар ўртасида Бутунжаҳон талабалар ва ёшлар ўйинлари бўлиб ўтди. Бухоро давлат университетининг тарих факультети иккинчи курс талабаси Аббос Мансуров (81 кг.) дзюдо баҳсларида ғолиб чиқиб, олтин медаль билан тақдирланди. Пойтахтликлар – Ҳасан Абдиев (66 кг.) кумуш, Ҳусан Абдиев (55 кг.) бронза медалига сазовор бўлди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Имконияти чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган Бутунжаҳон талабалар ва ёшлар ўйинларида бухоролик Бекзод Хўжаев 100 метрга югуриш бўйича баҳсларда бронза медални қўлга киритди. Музаффар Ражабов (Бухоро) ва Илҳом Чуйбеков (Сирдарё) эса АҚШдан узунликка сакраш бўйича баҳсларнинг бронза медаллари соҳиби бўлиб қайтишди.

ОҒИР АТЛЕТИКА. Мамлакатимиз қитъа миқёсидаги яна бир йирик мусобақани қабул қилиш арафасида турибди. Осиё оғир атлетика федерацияси навбатдаги қитъа биринчилигини Тошкентда ўтказишга қарор қилди. У 23-27 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида бўлиб ўтади.

ТЕННИС. Мадридда Халқаро теннис федерациясининг (ITF) йиллик конгресси бўлиб ўтди. 96 мамлакатнинг 300 га яқин делегатлари Ўзбекистон теннис федерацияси фаолиятини «Жаҳон теннисини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» мукофоти билан тақдирлашни бир овоздан маъқуллади ва федерациямизнинг мақоми, яъни конгресдаги овози учтадан бештага оширилди. Бу МДҲ мамлакатлари орасида Россиядан сўнг иккинчи кўрсаткичдир. Қолган мамлакатлар федерациялари биттадан учтагача овозга эга.

* * *

Теннис бўйича Ўзбекистоннинг «биринчи ракеткаси» соҳиблари – Оқгул Омонмуродова ва Денис Истомин навбатдаги муваффақиятга эришишди. Оқгул Буюк Британиянинг Истбурн шаҳрида ўтказилган WTA таснифига кирувчи мукофот жамғармаси 600 минг долларлик мусобақанинг жуфтлик баҳслари ғолиби бўлди. У турнирда япониялик Ай Сугияма билан бир жуфтликда ўйнади ва улар финалда австралиялик Саманта Стосур – Рене Стабб жуфтлигини 6:4, 6:3 ҳисобида мағлуб этишди. Денис Истомин эса аргентиналик Леонардо Майер билан бирга Лос Анжелес шаҳрида ўтказилган ATP таснифига кирувчи мукофот жамғармаси 630,5 минг долларлик мусобақанинг жуфтлик баҳсларида ярим финалга қадар етиб борди. Эслатиб ўтамиз, Д. Истомин бугунги кунда ATP таснифида 57-поғонани эгаллаб турибди. Бу теннисчимизга дунёнинг ҳар қандай даражадаги нуфузли мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини беради.

ПАҲЛАВОНЛАР БАҲСИ. Ригада ўтказилган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари турнири финалида 14 нафар баҳодир ғолиблик учун беллашди. 13-турнир шу йилнинг октябрь ойида Россияда ўтказиладиган жаҳон кубоги баҳслари учун саралаш босқич вазифасини ҳам ўтади. Оғир тошларни елкага осиб юриш, «Вольво» юк машинасини тортиш, енгил машинани кўтариш каби дастурда белгиланган олти турдаги баҳсларда қатнашган юртдошимиз Сергей Трубицин рақиблари орасида энг енгил вазнли (156 кг.) бўлишига қарамай кумуш медални қўлга киритди ва жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Сергей шу ойнинг охирида пойтахтимизда ўтказиладиган Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган баҳодирлар мусобақасида ҳам қатнашади.

СТОЛ ТЕННИСИ. Иссиққўлда стол тенниси бўйича Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Финалда 3:2 ҳисобида қозоғистонликларга ютқазиб қўйган вакилларимиз биринчиликда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Ҳамюртимиз Зоҳид Кенжаевга «Энг юқори техника соҳиби» учун бериладиган мукофот тақдим этилди.


ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

КЎП ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛГАН

Швецияда «Грипен-Демо» русумли истиқболли тактик қирувчи самолётнинг тажриба нусхаси яратилди. Унинг яратилишига JAS-39D русумли ўқув-жанговар самолёт асос бўлди. Ушбу самолёт борасидаги илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари «Сааб» компанияси мутахассислари томонидан «Грипен» NG (Next Generation – «кейинги авлод») дастури доирасида олиб борилмоқда.

Қирувчи самолёт экипажи икки нафар учувчидан иборат бўлиб, унинг максимал учиш тезлиги соатига 2100 км, кўтарилиш учун тезлашиш узунлиги 400 м. Мазкур самолётнинг қанот майдони кенгайтирилган, шасси конструкцияси ўзгартирилган. Ички ёнилғи баклари ҳажми 40 фоизга оширилган, яъни у 4200 литргача етказилган, бу эса қирувчининг учиш узоқлиги 4000 км.гача етишини таъминлайди.

«Грипен-Демо» «Дженерал электрик» (АҚШ) компанияси томонидан ишлаб чиқарилган F414G русумли реактив двигатели билан жиҳозланган бўлиб, унинг кўтариш қуввати 25 фоизга оширилган (10010 кгс.гача). Самолётдаги қурол илгичлари сони 8 тадан 10 тагача оширилган, бу эса НАТОга аъзо давлатлар ва Швецияда ишлаб чиқарилган 30 хилдан ортиқ ракета-бомба қуролларидан фойдаланиш имконини беради. Унинг умумий фойдали юк ортиш ҳажми эса 5 тоннадан 6 тоннага оширилган. ARINC 653 русумли самолётни бошқариш тизими кўп марта такрорланган модуль схемаси бўйича ишланган. Борт радиолокация мажмуи SARA русумли бошқарилувчи қуролни нишонга тўғрилаш тизими билан туташтирилган. Самолётга радиолокацион нурланиш хавфидан огоҳлантирувчи модернизациялашган MAWS тизими ўрнатилган. Алоқа аппаратураси таркибига радиоалмашув воситалари, ахборотни криптографик ёпиш мажмуи (НАТО стандартларига мос келувчи), SATCOM тармоғининг йўлдош орқали алоқа асбоби ва видеомаълумотларни тезкор узатиш тизими киради.



БЛАГОДАРЯ НОВОЙ КОНФИГУРАЦИИ

В Вооруженных Силах Израиля проводятся полевые испытания дистанционно управляемой машины. Она является прототипом машины-робота британской фирмы «Ремотек» (дочернее предприятие американской компании «Нортроп-Грумман») и прошла модернизацию на заводах в Израиле. При боевой массе 2 т. ее полезная нагрузка составляет 1 т. Машину планируется использовать в качестве транспортера поддержки пехоты при ведении боевых действий в условиях города, например, для доставки боеприпасов и необходимого снаряжения, эвакуации раненых, сбора разведывательной информации. Она оснащена оптическими и инфракрасными приборами наблюдения, в передней части смонтирована телевизионная камера для контроля курса ее движения оператором, который во время боевых действий с выносным пультом управления может находиться в защищенном месте на расстоянии одного километра от места действия машины. Благодаря новой конфигурации машины, на ней можно размещать боевой модуль с легким вооружением, что позволит использовать ее вместе с пехотинцами на поле боя.




ИККИ ХИЛ ВАРИАНТДА

Украинанинг «Дозор-Б» номли зирҳли автомобили (ғилдираклар формуласи 4х4) Харьков конструкторлик бюроси мутахассислари томонидан яратилган ва В. Малишев номли танк заводида ишлаб чиқарилади. Ушбу автомобиль 8 нафаргача барча зарур жиҳозларга эга бўлган ҳарбий хизматчиларни олиб юриш учун мўлжалланган. Машина зирҳи шахсий таркибни ўт очиш қуроллари ўқи ва баъзи турдаги артиллерия снарядлари парчаларидан ҳимоялашни таъминлайди. Унга қўшимча зирҳли ҳимоя ўрнатиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Зирҳли автомобилнинг том қисмига таркибига 7,62 ёки 12,7 мм.ли масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилиши мумкин. «Дозор-Б»да кучланиш қурилмаси сифатида «Дойтц» фирмасининг қуввати 190 от кучига тенг бўлган, «Эллисон-1000» LCT автоматик узатмалар қутиси билан бирлаштирилган тўрт цилиндрли дизель двигателидан фойдаланилади. Машина, шунингдек, «Ивеко» фирмасида тайёрланган, механик узатмалар қутисига эга бўлган двигатель (122 от кучига тенг) билан жиҳозланиши ҳам мумкин. Стандарт комплектация таркибига жамоавий радио-кимёвий кураш – ҳимояланиш ҳамда ҳаво ҳароратини сақлаб турувчи тизимлар киради. Унга қўшимча тарзда чиғир (юк кўтариш мосламаси) ва марказлашган шиналарга ҳаво бериш тизими ҳам ўрнатилиши мумкин. Мазкур машина зирҳли ҳимоясиз ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин – унинг «Дозор-А» модификацияси кўп мақсадларда фойдаланилувчи енгил автомобиль кўринишига эга. У тўрт нафар ҳарбий хизматчи ва 2 тоннагача бўлган юкларни олиб юриш учун мўлжалланган.



ОДНОВРЕМЕННО ДВУМЯ СПОСОБАМИ

Специалисты итальянской фирмы «Нимбус» (подразделение компании «Пьемонт аэроспейс») проводят научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы по созданию гибридных беспилотных летательных аппаратов (БЛА), использующих одновременно аэростатический и аэродинамический способы создания подъемной силы. В частности, для ведения воздушной разведки в районе поля боя разработан «Нимбус-20» с крылом размахом 6,3 м, внутренний объем которого заполнен гелием. В состав силовой установки входит двухтактный двигатель с воздушным винтом в кольцевой насадке. БЛА со взлетной массой 20 кг способен нести полезную нагрузку массой до 9 кг. Продолжительность его полета на высотах до 300 м составляет 2,5 ч. Кроме того, этот недорогой аппарат предполагается использовать для первоначального обучения наземных операторов управлению БЛА.



98 ФОИЗИ – МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАРДА

Жанубий Кореянинг ХК-2 («Қора қоплон») номли асосий жанговар танки Истиқболли ҳарбий ишланмалар агентлиги ишлаб чиқариш базасида яратилган (бу борадаги ишлар 1993 йилдан бошланган). Мазкур жанговар танк сув тўсиқларини енгиб ўтиш ускуналари билан жиҳозланган биринчи миллий зирҳли машина бўлди. Агар унинг дастлабки тажриба нусхаларида фойдаланилган деталлар ва қисмларнинг 77 фоизга яқини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган бўлса, келажакда уларнинг миқдорини 98 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Танк компоновкаси (тузилиши) классик схема бўйича ишланган: бошқарув бўлими – олд томонда, жанговар бўлим – марказий қисмда ўрнатилган башняда, мотор-трансмиссия бўлими – корпуснинг орқа томонида жойлашган. Стандарт зирҳдан ташқари танкни осма динамик ҳимоя билан жиҳозлаш имконияти ҳам кўзда тутилмоқда. ХК-2 жанговар танкининг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагилардан иборат: экипаж – уч киши, жанговар оғирлиги 55 т, корпус бўйича узунлиги 7,5 м, корпус бортлари бўйича эни 3,6 м, баландлиги 2,5 м. Танкка ўрнатилган дизель двигателининг қуввати 1500 от кучига тенг, шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 70 км. Танкка ўрнатилган қуроллар – 120 мм.ли юмшоқ стволли тўп (автоматик ўқланиш механизмига эга, жанговар комплекти 40 та снаряд); ХК-2 1,2 м чуқурликдаги ҳандақ (тайёргарликсиз), 4,1 м чуқурликдаги сув кечуви (қўшимча махсус тайёргарлик билан) каби тўсиқларни енгиб ўта олади, максимал кўтарилиш бурчаги 30 даражага тенг, ён томонга оғиш бурчаги 20 даражагача.


М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.



ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ИШҚҚА АЛМАШГАН ҲАВАС

(Воқеий ҳикоя)



Эшик тутқичидан тутар эканман, ўзимга-ўзим сўз бердим, «бугун ҳаммасини унга айтаман. Ортиқ бундай давом этиши мумкин эмас. Тўғри, бунда унинг айби йўқ, лекин менинг унга бўлган муҳаббатим сўниб бўлган. Мен энди бошқасини севаман».

Ишхонамдаги хушсурат, хушфеъл, ҳамиша мени тушунишга ҳаракат қиладиган бир аёлга бўлган меҳрим хотинимга бўлган муҳаббатдан кучлироқ. Назаримда қанча йиллардан бери излаганимни энди топгандай эдим. Шунинг учун бугун бор ҳақиқатни айтиб, хотиним билан ажралиш ҳақида гаплашмоқчиман.

Остонада майин жилмайиб кутиб олган рафиқамнинг саломига хушламайгина алик олдим.

– Гаплашиб олишимиз керак, – дедим совуққина қилиб, у келтирган овқатни четга сурарканман.

Хотинимнинг кўзлари менда-ю, лекин мен унга қарашга ботинолмасдим.

– Ажралишимиз керак!

Шу бир оғизгина гапим хотинимни аввал карахт аҳволга солди, кейин эса сўзсиз, елкалари силкиниб-силкиниб узоқ йиғлади. Аммо ёқасини йиртмади, жанжал кўтармади, сабаб талаб қилмади. Мен эса ҳеч нарса демай ётоқхонага кириб кетдим. Шу пайтда четдан қараганда бераҳм бўлиб кўринганим билан менга ҳам осон эмасди. Чунки мен икки ўтнинг орасида қолгандим. Одатдаги бир хил ҳаёт мени уйдан, оиладан, хотинимдан ва ҳатто, фарзандларимдан ҳам узоқлаштирган эди. Шундай зерикарли кунларимнинг бирида ёлғизликдан азоб чекаётган бир мен эмас, истасам ҳамдард сифатида дўстона муносабатда учрашиб туриш мумкинлигини билдирган ҳамкасбим – фарзандсизлиги сабаб ажрашган Севара исмли аёлнинг таклифи ёзда чаққан чақмоқдай ҳаётимдаги туманларни тарқатиб юборди. Севара билан гўёки Лайли Мажнундай ошиғу-маъшуқ бўлдик. Унинг ноз-ишвалари, эркалашлари мени ўзига асир этди. Хотиним эса ҳаётимда бошқа аёл пайдо бўлганини аллақачон тушуниб етган эди-ю, лекин бирор маротаба нега, нима учун демаганди. Фақат кўнгилга буйруқ бериб бўлмаслигини, онаси доим унга «эр бу – пирдай гап», деб уқтиргани-ни, ихтиёрим ўзимда бўлиб, фақат фарзандлар тақдирига бефарқ бўлмаслигимни илтимос қилганди, холос.

Эрталаб хотиним уйғонгунча ўрнимдан туриб уйдан чиқиб кетдим. Ишхонага бориб бўлган воқеани севимли аёлимга айтиб бердим. У сочларимни силаб, ҳаммаси ўтиб кетишини ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ёнимда эканлигини айтди. Ғам мендан анча ортга чекингандай эди. Ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Ҳозир рафиқамга қанчалик оғир эканлигини ва мен уни тушунишга ҳаракат қилишим кераклигини айтганида эса қанчалар кўнгли тоза, меҳрибон, оқила аёл эканлиги учун уни янада қаттиқроқ севиб қолгандай бўлдим.

Кечқурун уйга келганимда хотиним ҳеч нарсани сездирмади. Аввал қандай бўлса, шундай муносабатини давом эттирди. Бу албатта, мен кутган вазият эмасди. Мен ҳатто, у келтирган овқатга ҳам қарамадим. У билан гўё гаплашишни истамагандай эътиборсизлик билан яна ётоқхонага кириб кетдим. Эрталаб эса кечроқ уйғондим. Аёлим одатдагидек ўғилчамизни мактабга, қизалоғимизни боғчага олиб кетган, меҳмонхонадаги стол устида кўз ёшлари томган, бир неча жойлари қайта-қайта ёзилиб ўчирилган мактуб қолдирган эди. Унда хотинимнинг ажралишга рози эканлиги, бунинг эвазига мендан ҳеч қандай моддий ёрдам талаб қилмаслигини, иш жойимга ва судга мурожаат этмаслигини, фақатгина учта шарти бўлиб, шуларни адо этишимни сўрагани баён этилган эди. Шартлар эса қуйидагича: биринчиси – бир ойдан кейин ажрашиш лозим, сабаб – қизимиз боғчани тамомлайди, ўғлимизнинг эса ёзги имтиҳонлари бошланган. Уларни ортиқча безовта қилмаслик керак.

Иккинчиси – шу бир ой давомида 4 маротаба, ҳар ҳафтада фақат бир кун уни никоҳ кунимизда уйга қандай кўтариб кирган бўлсам остонадан ўшандай кўтариб киришим керак. Сабаби номаълум...

Учинчиси – сўнгги ҳафтада ҳар куни янги либос кийиши ва пардоз-андоз қилиши шарт эканлиги. Сабаби номаълум...

Мен аввалига мактубни ўқиб, ажралиш ҳақидаги хабар хотинимнинг руҳиятига салбий таъсир қилмаганмикан, деган хавотирга тушдим. Кейин эса ҳа, нима қилибди, бир ой ўтади кетади, шу шартларига кўнсам кейин у болаларни олиб қишлоққа кетади, мен эса севимли ёрим билан қоламан. Бундан ортиқ бахт борми? Унинг висолига етиш учун жонимдан ҳам кечишга тайёрман ахир, дея ўйладим. Бир ойдан кейин бошимга қўнадиган бахт қушимни ўйлаб, ширингина энтикиб қўйдим. Назаримда, муаммо мен ўйлаганимдан осонроқ ҳал бўладигандай эди. Хотинимнинг бу шартларини севгилимга бориб айтдим. У бу аҳмоқона шарт устидан мен билан бирга қўшилиб кулди.

Эртасига эрталабдан шартни бажаришга киришдим. Аёлимнинг фарзандларимизга ортиқча ташвиш туғдирмаслик ва уларга олдинда кутиб турган айрилиқ ва изтироблар ҳақида билдирмаслик учун ҳаракат қилаётганини кўриб ўзимни лоқайдликка солдим. Мен ҳақимда болаларга чиройли сўзлар айтаётганини эшитиб эшитмасликка олдим. Хаёлимда «ўзини менга яхши кўрсатгиси келяпти, йўқ, ахир мен бошқасини севаман, уни эса севолмадим, севолмайман ҳам, ота-она ихтиёри билан уйландим, фарзандли бўлдим, шунча йиллар улар учун яшадим, ваҳоланки, ўзим учун ҳам яшашга ҳаққим бордир, мен ҳам ҳаётга бир марта келаман-ку», деган ўй-хаёллар тинчлик бермасди.

Иккинчи шартни бажариш вақти келди. Қўлимда хотинимни кўтариб остонадан ўтарканман, ўзим билмай хотиралар гирдобига тушиб қолдим. Ўшанда, никоҳ кечамизда унинг юзлари лоладай ёнар, сочлари тим қора, кўзларида чўғ бор эди. Мен ўша ширин хотиралар билан анчагача банд бўлдим. Ўша биринчи кечадан бошлаб у ҳаётини мен учун бағишлаган, мени севарди, еру кўкка ишонмасди. Бетоб бўлсам ҳаловатини йўқотарди, ишдан келганимда остонада кулиб қарши олишни бирор маротаба ҳам канда қилмаган. Нимани яхши кўришим-у, нимани ёқтирмаслигимни яхши билар, кўнглимга қараб иш тутар, фарзандларим тақдирига куюнчак эди. Мен-чи? Ўзимни айбдор сеза бошладим, уни деярли унутган эканман. Анчадан бери хотинимнинг юзига яқиндан эътибор ҳам бермабман. Юзларига билинар-билинмас ажин тушган, сочларига озроқ оқ оралай бошлаган эди. Нигоҳидаги чўғ сўнган, аммо менга бўлган нафратини ҳамон сездирмаяпти, фарзандлари ва эри олдидаги бурчини садоқат билан адо этяпти, ҳатто дарз кетган оилани ҳам бахт устунига қиёслаётган аёлимга қараб, ўзимдан уяла бошладим.

...Аввалари остонадан чиқишимдан олдин уйни унутар эдим. Бугун ишхонага етиб боргунча ҳам, бутун иш куним давомида ҳам хотинимнинг қиёфаси кўз олдимдан кетмади. Бунга ўзим ҳам ҳайрон эдим. Назаримда бу – ачиниш ва ҳайрат бўлса керак. Тўғрида, бир томондан хотинимга ачинсам, иккинчи томондан унинг ажралиш арафасидаги бундай хотиржамлигидан ҳайрон эдим.

Муддат ўтиб борар, хотиним эса ўзини хотиржам тутар, аввалгидек уст-бошимни тайёрлаб, мени ишга кузатадиган, келишимга олдимга иссиқ овқат тутадиган одатларини канда қилмади. Муносабатини ўзгартирмади. Фарзандларга ва оиласидагиларга бу ҳақда билдирмади ҳам.

Унинг учинчи шартида сўнгги ҳафтада ҳар куни янги либосда бўлиши ва ўзи истагандай пардоз-андоз қилиши керак эди. Уйдаги унинг бор кийимлари шу кунгача кийилиб бўлганди. Янги кийимлари деярли йўқ ва у мендан бу ҳақда сўрамаганди. Тавба, шунча йил турмуш қурган, менинг ҳимоямдаги аёлни шунча бойлигим билан сийламаган эканманда. Қизиқ, ишхонамдаги аёл ҳар куни ҳар хил кийимда. У қаердан оларкан? Қаердан оларди? Ҳар ҳафта қўлига дастадаста пул тутқазсам, бола-чақаси бормиди-ки, сарфласа. Ҳар кеча кафе, ресторанларда бирга овқатлансак, уйда қозон қайнатиш учун рўзғор қилармиди, албатта кийинади-да. Кейин аёлимни, «менга пардоз қилмасанг ҳам ёқасан, бўяниб кимга ўзингни кўрсатасан, менга бундай ишинг маъқул эмас», деб бўянишига ҳам рухсат бермасдим. Ишхонамдаги аёлнинг эса асосий вақти гўзаллик салонларида ўтар эди. Сочини ҳар куни ҳар хил турмаклар, лаб бўёғини тирноқ бўёғига мослар, кўйлагини сумкасининг рангига мослаб киярди. Ҳеч қачон унинг кийиниши ва бўянишларига эътироз қилмаганман ва аксинча уни шу сохта гўзаллиги учун севгандирман. Хотинимга қилган инсофсизликдан ўзимни ёмон кўриб кетдим. Қўлига бир ойлик либосга бемалол етадиган пул бердим. Истаганча пардоз қилишига ҳам рухсат бердим.

Шартни бажаришда давом этардим. Кун ўтган сари аёлимнинг юзидаги ажинларга, сочидаги оқларга синчиклаб тикиладиган бўлдим. Бир вақтлар чиннидек текис бу юзлардаги ажинлар, сочлардаги оқлар мен билан яшаган йилларнинг излари эди. Гарчи кексаймоқ тақдирда бор бўлса-да, мен ўзимни ана шу ажинлару, оқ толаларнинг сабабчисидай айбдор санай бошладим. Муддат тугаб борар, хотиним ўз аёллик вазифасини бажарар, мен ҳам эркаклик лафзим боис шартларини адо этардим.

